**ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ**

*Қарздорлик йил бошига нисбатан 4,8 млрд. сўмга камайган. Бироқ, январь ойида истеъмол қилинган энергия учун улгуржи истеъмолчилар ва аҳоли томонидан 82,2 фоиз миқдорида ҳақ тўланган, холос.*

6 бет

**ТАМАГИРЛАР**

*Бу гапларни эшитиб, Чорининг сочи тикка бўлаёзди. Шундай бўлсада, ўзини босишга уриниб, вазиятдан чиқишнинг чорасини ахтарар экан, тўсатдан миясига бир фикр келиб қолди-ю, чеҳраси ёришгандек бўлди.*

10 бет



# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 19-aprel, №16 (797)


Тадбир

*Олимлар фарзанд тарбиясини уч таркибий қисмга — жисмоний, ақлий ва маънавий тарбияга бўладилар. Улар уйғун олиб борилгандагина бола ҳар томонлама етук, жамиятга нафи тегадиган, Ватан тараққиётига хизмат қиладиган шахс бўлиб камолга етади.*

## Соғлом оила билан буюк келажак сари

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Huquq»

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан "Соғлом оила билан буюк келажак сари" шиори остида 15 апрель куни Қарши сержантлар тайёрлаш мактабида оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди.

Ўзбекистон мадҳияси ижро этилгач, мусобақа бош ҳаками К.Ахатов Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ прокурори А.Кенжаевга сўз берди. У тадбирни кириш сўзи билан очиб, мусобақа иштирокчиларига беллашувларда муваффақиятлар тилади.

Қарши гарнизони ҳарбий хизматчиларининг фарзандларидан ташкил топган "Мерос" ашула ва рақс дастаси иштирокчилари ўзларининг рақс ва бадиий чиқишлари билан мусобақа олдидан тадбир иштирокчилари ва томошабинларга хуш кайфият бағишлади.

Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси ва "Сандувоч" газетаси ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирда Қарши гарнизони ҳарбий қисмларида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг оила аъзолари ўзаро беллашдилар. Тажрибали спорт мураббийлари мусобақаларга ҳакамлик қилишди.

Мусобақа иштирокчилари спортнинг велопойга, теннис тўпини узоққа улоқтириш, шахмат-шашка, стол тенниси, югуриш, арқон тортиш, спорт гимнастикаси турлари ва чеварлик ҳамда расм ижодиёти бўйича ўзаро беллашдилар.

Мусобақа сўнггида анъанага кўра ғолиблар аниқланиб, 200 дан ортиқ ота-она ва болалар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Уларга "Сандувоч" газетаси таҳририятининг эсдалик совғалари топширилди.

— Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда оилавий спортнинг ўрни беқиёс, - дейди Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари С.Шарипов. — Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида ўтказилаётган бугунги мусобақа эса нафақат оилавий спортнинг ривожига ҳисса қўшиши, балки оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ тарбиявий ишлар бошқармаси ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Т.Мамановнинг таъкидлашича, оилавий мусобақалар ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг спортга бўлган қизиқишини оширибгина қолмасдан, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги илиқ, самимий муносабатларни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Ҳа, мустаҳкам ҳарбий оила — қуролли кучларимиз таянчи. Оиласи тинч бўлган ҳарбий хизматчининг ишида унум, кўнгли хотиржам бўлади. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида бу каби мусобақаларни ташкил этиш мамлакатимизда спортни янада оммалаштиришга хизмат қилади. Спортнинг турли соҳалари бўйича оилавий беллашувларни томоша қилиб, соғлом оила билан буюк келажак барпо эта олишимизга амин бўлдим. Мусобақада ноёб истеъдодли, тенгсиз иқтидорли ёшларни кўриб, улар келажакда янада нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олишларига ишондим.

Талқин

## Ҳужжатларни легаллаштиришнинг янгича тартиби

***Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида алоҳида қонунлар меъёрларини унификациялашга, уларни халқаро ҳуқуқий актлар билан уйғунлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда ва шу асосда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда.***

Маълумки, бир давлат ҳудудида берилган ва юридик кучга эга бўлган ҳужжатлардан бошқа мамлакатлар ҳудудида белгиланган тартибда тасдиқлардан ўтказилгандан, яъни легаллаштирилгандан кейингина амалда фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда ҳужжатларни легаллаштиришнинг икки хил кўриниши кенг тарқалган бўлиб, булар — консуллик легаллаштируви ва апостиль штампининг қўйилиши, яъни апостиллашдир.

Консуллик легаллаштируви бу ҳужжатнинг бошқа давлатда юридик кучга эга бўлиши учун маълум расмий амалиётларни бажариш тартибидир. Консуллик легаллаштируви бир мунча мураккаб бўлиши билан бирга кўп босқичли ва қийин жараёнларни ўз ичига олганлиги сабабли ҳужжат эгасига маълум ноқулайликлар яратади. Бунда легаллаштирилаётган ҳужжат қайси мамлакатда тақдим этилиши назарда тутилган бўлса, фақат шу мамлакат ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

Расмий ҳужжатларни легаллаштириш жараёнини соддалаштириш мақсадида 1961 йилда Гаага шаҳрида (Нидерландия) хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция имзоланди.

2011 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга аъзо бўлиши тўғрисида"ги Қонунига кўра, давлатимиз мазкур Конвенцияга аъзо бўлди. Нидерландия ташқи ишлар вазирлигининг билдиришномасига мувофиқ, мазкур Конвенция 2012 йил 15 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирди. Ушбу конвенцияга дунёнинг юздан ортиқ мамлакатлари аъзо бўлган. Яъни Ўзбекистонда апостиль қўйилган расмий ҳужжатлар конвенцияга аъзо давлатлар ҳудудида расмий ҳужжат сифатида тан олинади. Худди шундай, аъзо давлатлар томонидан апостиль қўйилган ҳужжатлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида тан олиниши назарда тутилган.

*(Давоми 8-бетда)*

Хабар

## Дори-дармон сифати доимий назоратда

**Б.ХИДИРОВА,**
ЎзА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш, четдан келтирилаётган тиббий воситаларнинг сифатини назорат қилиш ва қалбаки дори тарқалишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, фармацевтика саноати соҳаси вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М.Хожибеков мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббий-ижтимоий жабҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, аҳолига жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник салоҳиятини юксалтиришда юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, бозорларимизни сифатли дори-дармон билан тўлдириш ва экспорт салмоғини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир юз ўттизга яқин саноат корхонаси жаҳон андозаларига мос дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқармоқда. Улардан қарийб йигирматаси ИСО 9001 ва ГМП халқаро сифатни бошқариш тизими сертификатига эга. Ушбу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб юқори.

Фармацевтика саноатини янада ривожлантиришда илм-фан соҳасида эришилаётган ютуқларнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Олимларимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган илмий тадқиқотлари самарасида кейинги йилларда ўттиздан кўпроқ ана шундай шифо воситаси яратилди ва корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилиб, амалиётга кенг жорий этилди.

Мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш технологияларини замонавийлаштириш билан бир қаторда бозорларимизга қалбаки дорилар кириб келиши ва сифат сертификатига эга бўлмаган дори-дармон сотилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тегишли идоралар томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида бу йўналишда амалга оширилган текширув ва назорат тадбирлари жараёнида сифатсиз, яроқлилик муддати тугаган, мувофиқлик сертификати ҳамда давлат тилида қўллаш йўриқномалари бўлмаган маҳсулотлар савдоси билан боғлиқ бир қатор камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Ўзбекистон Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига, Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш кенгашига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бундай ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича тегишли ҳужжатлар тақдим этилди.

Матбуот анжуманида мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

# Ҳуқуқлари тикланди

**Тоҳир АЗАМАТОВ,**
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Биламизки, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорларнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Шу билан бирга, амалдаги қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, бу борада йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик ва қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан аёвсиз муносабатда бўлиш ҳам прокуратура органлари ходимлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда прокуратура органларининг бевосита ташаббуси билан жойларда кенг қамровли ва самарали ишлар амалга оширилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Хусусан, яқинда Бош прокуратура томонидан Андижон Давлат тиббиёт институтида ўқув таълим жараёнини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг ижроси ўрганилганда айрим қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, мазкур институт ректорининг 2011 йил 7 октябрдаги тегишли буйруғи билан даволаш, касбий таълим ва педиатрия факультетларининг жами 12 нафар, жумладан, А.Исаков, Д.Мирзаев, А.Ҳакимов, А.Ҳошимов, Ғ.Ҳайдаров, И.Ледяева, Д.Баротов, З.Султонов, Л.Исаев, У.Қўчқоров, Ж.Камолов ҳамда Б.Исомиддинов каби, 4-, 5-, 6- ва 7-курс талабалари талабалар сафидан чиқарилган. Бунга, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг "Талабалар кузги дала амалиётини ташкил этиш тўғрисида"ги 2009 йил 19 сентябрдаги 324-сонли буйруғи асос қилиб олинган.

Ваҳоланки, юқорида қайд этилган буйруқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2010 йил 25 мартдаги 125-сонли буйруғи билан бекор қилиниб, ўз кучини йўқотган бўлса-да, институт раҳбарияти ушбу ҳолатга эътибор бермаган. Натижада 12 нафар талабанинг конституциявий ҳуқуқи бузилган.

Текшириш натижасига кўра, 2012 йил 12 мартда Бош прокуратура томонидан Андижон Давлат тиббиёт институти ректорининг ноқонуний буйруғини бекор қилиш ҳақида протест келтирилди. Протестга асосан, ноқонуний буйруқ бекор қилиниб, институт ректорининг 2012 йил 21 мартдаги 136-ш-сонли буйруғи билан 12 нафар фуқаронинг талабалар сафига қайта қўшилиши таъминланиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, ректорнинг буйруғига асосан, бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори М.Мадазимов, даволаш факультети декани Х.Мусашайхов ва педиатрия факультети декани А.Арзиқуловга ҳайфсан эълон қилинди.

***Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонунига асосан, жорий йил 28 март куни Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алгоколли маҳсулотлар сотиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 89-сонли Қарори қабул қилинди.***

# Долзарб масалалардан бири

**Убайдулло АЗАМОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бўлим инспектори

Ушбу йўналиш бўйича Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Навоий вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, алкогол ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш бўйича 2011 йилда 15 та жиноят, 17 та маъмурий ишлар қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 15,3 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилган. Жумладан, Учқудуқ туманидаги "Гўзал Марҳабо" хусусий фирмаси раҳбари М.Некова кирим ҳужжатлари бўлмаган 1,2 млн. сўмлик спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан маъмурий иш қўзғатилиб, суднинг қарорига асосан жарима жазоси тайинланган.

Шунингдек, Навоий шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Хўжақулова давлат рўйхатидан ўтмасдан, 1,8 млн. сўмлик тамаки маҳсулотларини сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланиб, тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Н.Хўжақуловага нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суднинг ҳукмига асосан унга нисбатан жарима жазоси тайинланган.

Юқорида қайд этилган қонун талабларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг 12-моддаси талабига кўра, "Алкогол маҳсулотининг идишида ёрлиқ асосий юзасининг камида қирқ фоизини эгаллайдиган мантли ёзув ва (ёки) расм тарздаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак"лиги ҳамда "Тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) тамаки маҳсулоти қутиси олд томони асосий юзасининг камида қирқ фоизини эгаллайдиган мантли ёзув ва (ёки) расм тарзидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак"лиги қайд этилган.

13-моддасида эса, "Алкогол ва тамаки маҳсулотларини реализация қилишга доир чеклашлар" жумласига, йигирма ёшга тўлмаган шахсларга, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектлари томонидан, тамаки маҳсулотини доналаб, қутисиз сотиш ва реализация қилиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, қонуннинг 19-моддасида иш жойларида, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкогол маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўймаслиги белгиланган.

Юқорида зикр этиб ўтилган Қонун талабларини барча аҳоли қатламларига тушунтириш ва унга риоя этилишини таъминлаш мақсадида кенг миқёсда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришимиз зарур.

# Айбдорлар жазоларини олишди

**Пўлат РОЗИМОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси катта инспектори

Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, муайян фаолият турлари бўйича лицензия ҳамда рухсатномалар бериш жараёнидаги турли суиистеъмолчиликларга барҳам бериш орқали тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида профилактика, қонунчилик тарғиботи ишларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ, суиистеъмолчиликлар ва коррупция ҳолатларига барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тарғибот борасида 2011 йилда 1171 та тадбир ўтказилиб, қонунчилик тарғиботи бўйича амалга оширилган ишлар натижасида маҳалла ва қишлоқларда фуқаро ҳамда тадбиркорлар иштирокида жами 843 та учрашув ва мулоқотлар ташкиллаштирилган. Натижада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган, савдо-сотиқ, паррандачилик, чорвачиликни ривожлантириш, маиший, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчи бўлганлардан 54 тасига ҳуқуқий ва амалий ёрдам ҳамда маслаҳатлар берилиб, 142 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди.

Шунингдек, бевосита тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 13 та жиноят фош этилди. Жумладан, АТ "Халқ банки"нинг Элликқалъа филиали мансабдор шахслари ва ушбу банкка қарашли инкассация хизмати ходимлари олдиндан ўзаро тил бириктириб, туманда фаолият юритаётган якка тадбиркор И.Атажановнинг ишончига киришган ҳамда уни алдаб, савдодан тушган 7700,0 минг сўмлик нақд пул маблағини банкдаги ҳисоб рақамига ўтказмасдан, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган. Мазкур ҳолат юзасидан АТ «Халқ банки»нинг Элликқалъа филиали мансабдор шахслари ва инкассация хизмати ходимларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари давомида тадбиркорга етказилган моддий зарарнинг тўлиқ ундирилиши таъминланди ва айбдор шахсларга нисбатан суд ҳукми билан жазо чоралари кўрилиши таъминланди.

Чимбой туманидаги "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" жамияти раҳбари Д.Ибрагимов эса, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, тумандаги "Азамат Ясмина" МЧЖ сотувчиси А.Болисбаеванинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан фуқаро Р.Алламуратованинг ёзган аризасини қонуний чора кўрмасдан ҳал қилиб бериш эвазига сотувчининг турмуш ўртоғи Ж.Қалимбетовдан "моддий рағбат" кутган экан. Тамагир раҳбар 130 минг сўмни пора тариқасида олган вақтда ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Д.Ибрагимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

***Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасининг текшириш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда "Самарқанддонмаҳсулотлари" ОАЖнинг мавжуд товар-моддий бойликларини саноқдан ўтказиш тўғрисидаги буйруғига асосан, мазкур дон қабул қилиш манзилгоҳи текширишдан ўтказилди. Текшириш давомида шунингдек, Самарқанд туманида жойлашган "Оригинал Макс Люкс" фермер хўжалиги омборхонаси дарвозаси бу ерда сақланаётган буғдойни қайта ўлчаш мақсадида комиссия аъзоларининг иштирокида муҳрланди.***

# «Тилсимли» дарвоза

**Сирожиддин САТТОРОВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси АМИБ катта терговчиси

Икки кундан кейин дарвозани кўздан кечирганлар, қизиқ ҳолатнинг гувоҳи бўлишди. Қўйилган муҳр бузилмаса-да, қулф маҳкамланадиган қисми темир пайванд орқали ажратилиб, омборхонанинг бўш иккинчи қисмига буғдой киритилибди ва қайтадан пайвандланиб, сезилмаслиги учун лой ҳам суртиб қўйилибди. Ваҳоланки, икки кун илгари комиссия аъзолари иштирокида дон маҳсулотлари назорат ўлчовидан ўтказилиб, "Самарқанддонмаҳсулотлари" ОАЖнинг 3-базасига 51 дона юк автомашиналар қатновида 284 710 кг. буғдой жўнатилган эди. Барча ҳисоб-китоблар солиштирилганда эса 685 857 кг. камомад борлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида дон камомади, дон маҳсулотлари бузилиши натижасида етказилган зарарни корхонанинг суд органлари томонидан айбдор, деб топилган моддий жавобгар шахслари ва раҳбарларидан ундириш, дон маҳсулотларининг бозор нархи бўйича тенг миқдорда қопланиши белгилаб қўйилган. 1 кг. буғдойнинг ўртача нархи 880 сўмни ташкил қилгани боис, 685 857 кг. буғдой камомади 603 млн. 554 минг 160 сўмни ташкил қилган. Омборхона дарвозаси бузилиб, яширинча киритилган буғдой тортиб кўрилганда, 367 274 кг.ни ташкил қилди. Қопланмаган камомад эса 318 583 кг., яъни 280 353 040 сўмни ташкил қилади.

Хизмат вазифасига корхона томонидан топширилган моддий бойликларни сақлаб, ҳар қандай зарар етишининг олдини олиш ва тўлиқ ҳисоб-китобни юритиш кабилар киритилган, ОАЖга қарашли дон қабул қилиш масканида уруғлик цехи уста-технологи лавозимида ишловчи Санъат Ҳамидовнинг қилмиши ўзи учун қимматга тушди. Нафси йўлида халқимиз ризқ-насибасини талон-торож қилиб, давлат мулкини ўмарган технолог суднинг ҳукми билан тегишли жазосини олди.

# Мудиранинг хатоси

**Дилмурод СОБИРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бухоро шаҳар бўлими ходими

Мансаби кўтарилган, бирор-бир амал теккан одамни омади чопганлардан дейишади. Рухсора Нарзиеванинг ҳам 2008 йил сентябрда омади чопиб, шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларидан бирига мудира қилиб тайинланди. Қисқа фурсатда лавозимининг "нозик томонларини" ўзлаштирган мудира ишларни ўз йўриғига солишга ҳаракат қилди.

Муассаса жамоаси ҳар ҳолда озчиликни ташкил қилмайди. Мудира бу рўйхатга боғчада умуман ишламайдиган фуқаролар И.Бўриев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда Ҳ.Зоҳидоваларни тиркаб қўйди. И.Бўриевнинг 2008 йил сентябридан 2010 йил апрелига қадар, Ҳ.Зоҳидовнинг эса 2010 йил июль-октябрь ойлари мобайнида ишлаганлиги ҳақида сохта маълумотномалар қайд этиб, ойлик маош ҳисоблаттирди. Қарабсизки, 1 миллион 681 минг 865 сўмлик иш ҳақи тўловларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилади. Бу "қилиғи"га саховатпешалик тусини бермоқчи бўлган мудира бир ҳақиқатни унутган кўринади. Бу ўзганинг мулкига хиёнат, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш деган гап.

Ҳаётда ҳамма ҳам хато қилиши мумкин. Лекин хатолардан тўғри хулоса чиқариш, қайта унга йўл қўймаслик инсонни эл қаторига қўшади, ҳурматини оширади.

Р.Нарзиевага нисбатан тўпланган жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилди.

# Тадбиркорга қонун мададкор

*Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда Президентимиз томонидан пухта ўйланган иқтисодий ўсиш барқарорлигига эришиш чоралари кўрилди. Яъни иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифалари орасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ҳалол тадбиркорлик учун чинакам эркинлик бериш масалалари устувор вазифа қилиб белгиланди. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли халқаро экспертларнинг эътироф этишича, бугунги кунда мамлакатимиз дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.*

**Отабек ҚЎЛДОШЕВ,**
Косон туман прокурори

Бунда биз прокуратура ходимларининг ҳам муносиб ҳиссамиз бор. Чунки мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этилиши ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Эътироф этиш керакки, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаган ва бугунги кунда тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан тўла-тўкис баҳраманд бўлиш ҳамда ўзининг қонуний манфаатларини қай тарзда ҳимоя қилишни тўла англаб етмаган тадбиркор, ўз оиласига ҳам, жамиятга ҳам етарлича фойда келтира олмайди. Шундай экан, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, суҳбатлар уюштириш ва амалий ёрдам кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, уларнинг қалбига қулоқ тутиш прокуратура тизими ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Шу боис, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ масалалар туман прокуратураси ходимларининг доимий эътиборида. Тадбиркорлар манфаатини қонун доирасида ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг моҳиятини тушунтириш юзасидан тадбиркорларга мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жумладан, 2011 йилда туман фуқаролар ўртасида 27 марта учрашув ўтказилиб, 6000 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 22 нафар тадбиркорга 426 миллион сўмлик кредит маблағлари олиб беришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш бугуннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса тадбиркорлар сафини янада кенгайтиришни тақозо этади. Ана шу мақсадда ўтган йили туманда 1190 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди ва шу ҳисобдан 2620 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркор — элга мададкор. У нафақат янги иш ўринлари яратади, балки маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳам беқиёс ҳисса қўшади. Ички бозорни таъминлайди, маҳсулот экспорт қилади. Унинг меҳнатидан жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни қатъий чеклаш, бу соҳада меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш юзасидан зарур меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Туман прокуратураси бу борада ҳам фаол ҳаракат қилиб, давлат ва бошқарув ҳамда назорат-текширув органлари фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам равишда ўрганиб, ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлари амалга оширмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 9 маротаба ана шундай учрашув ўтказилиб, бу мулоқотларда иштирок этган 420 нафар хусусий тадбиркор ва 300 та фермер хўжалиги раҳбарлари ўзларини қизиқтирган ҳаётий зарур масалаларни ўртага ташладилар ва ҳуқуқий маслаҳатлар олдилар.

Мазкур учрашувлар беиз кетмади, албатта. Янги корхоналар очиш, эскиларини кенгайтириш, замонавий ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ниятида юрган тадбиркорларадан 12 нафарига 263 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Қайси соҳада бўлмасин, инсон даврдан орқада қолиши мумкин эмас. Ҳар бир киши замон руҳини ҳис этиб туриши, хусусан, ҳуқуқий билимларни кунт билан ўрганиши ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳар қандай вазиятда ҳимоя қила олиши ҳам давр талаби. Бугунги бизнесменлар, фермерлар ва тадбиркорларнинг қонунларга, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга катта қизиқиш билан қараши ҳар бир учрашувда яққол кўзга ташланиб туради. 440 нафар тадбиркор иштирок этган бир учрашувда суҳбат мавзуи тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, солиқ соҳасида, кредит олиш муаммолари тўғрисида борди. "Ишонч телефони" орқали муаммолар ҳал этилаётганлиги мамнуният билан тилга олинди.

Дарҳақиқат, Косон туманининг Лолазор маҳалласида яшовчи Шерзод Изомов "Ишонч телефони" орқали бизга мурожаат этиб, ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг Косон тумани бўлимидан мини технология олиш учун йилига 5 фоизли 28 миллион сўм кредит сўрагани, аммо мақсадини амалга оширишда қийинчиликларга дуч келаётганини билдирган эди. Туман прокуратураси ходимлари томонидан мазкур ҳолат юзасидан текшириш ҳаракатлари олиб борилди ва қисқа вақт ичида Шерзод Изомовнинг "Шерзод-Гранд" корхонаси айтилган суммага эга бўлди. Ҳеч шубҳасиз, бу амалий ёрдам туфайли корхонанинг фаолияти яхшиланади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади, янги иш ўринлари очилади. Умуман олганда, тадбиркорни моддий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватласак, улар фақат ички бозор эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, маҳсулотни четга сотиш, қўшимча даромад кўриша замин яратади ҳамда бозорларимизда нарх-навони барқарор сақлаш имконини беради.

Бу борада гарчи биргина мисол билан чекланган бўлсак-да, аслида қонун кўмагига таяниб прокуратурага мурожаат қилаётган фермерлар ёки тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади.

Биз юқорида тадбиркор — элга мададкор дедик, тадбиркорларимиз эса ўзларига кўрсатилаётган эътибордан, қонун ҳимоясидан мамнун бўлиб, тадбиркорга қонун мададкор дейишмоқда.

## Нидо

*Юртбошимизнинг "Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", деган сўзлари жамият эътиборини оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратиш лозимлигини кўрсатди. Жорий йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилиши халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилага бўлган эътиборнинг юксак намунаси бўлди.*

# Соғлом оила соғлом жамият демакдир

**Азизбек МАМАТХОДЖАЕВ,**
Андижон шаҳар прокурори
**Наргиза ХОЛМИРЗАЕВА,**
журналист

Андижон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган "Соғлом оила" акциясига шаҳар тиббиёт бирлашмаси, ички ишлар ва ёнғин хавфсизлиги бўлимлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, шунингдек, ДСЭНМ, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, почта алоқа тармоғи ходимлари жалб этилди.

Акциянинг асосий мақсадларидан бири оила, айниқса, ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари ролини янада ошириш, оила бекаси бўлган аёллар шароитини яхшилаш, аҳоли соғлигини сақлаш ва соғлом турмуш тарзини яратиш, шунингдек, ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборат бўлди. Жумладан, "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбир давомида тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан маҳалла ҳудудида яшовчи 426 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик натижасида касаллик аниқланган беморларга маслаҳатлар берилиб, соғломлаштириш ишлари ташкил этилди.

Акцияда маҳалла ҳудудида яшовчи жами 169 нафар пенсионерларнинг пенсия пуллари хонадонларига тўлиқ етказиб берилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ногиронларнинг ҳолидан хабар олинди.

Акция давомида ДСЭНМ ходимлари фуқаролар билан санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш мавзусида суҳбатлар уюштириб, бир неча хонадонларда профилактик зарарсизлантириш ишлари ўтказилди.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ЁХБ ходимлари томонидан 35 та аҳоли яшаш хонадонларининг ёнғин хавфсизлиги ўрганилди. Хонадон аъзоларига табиий газ ва электр энергиясидан тўғри фойдаланиб, ностандарт электр жиҳозларидан фойдаланмаслик, вояга етмаганларни назоратсиз қолдирмаслик бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Соғлом оила акцияси доирасида иштирок этган юқоридаги идоралар томонидан ўзларининг соҳавий йўналишлари бўйича маҳалла аҳолисига эслатма варақчалари тарқатилди. Мазкур йўналишда прокурор назорати ўрнатилиб, назорат ва тарғибот тадбирлари давом эттирилмоқда.

Қайсики оилада эътиқод ва садоқат туйғулари устувор, маърифат устунлари мустаҳкам бўлса, ўша жойда маънавий муҳит барқарор, авлодлар баркамол бўлади.

# Меҳнат билан мақсадга эришилади

*Бугунги кунга келиб, миллат ва ҳудуд танламайдиган одам савдоси жинояти инсоният олдидаги энг катта муаммолардан бирига айланди. Маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар йили 2 млн. 700 минг киши мазкур жиноят қурбонига айланар экан.*

**Равшанбек БАУАДДИНОВ,**
Беруний туман прокурори

Аввало, бир ҳолатга эътибор қаратиш жоиз. Кимлар одам савдоси жиноятининг қурбонига айланади? Албатта, биринчи галда ноқонуний равишда ишлаш учун хорижга чиқиб кетаётганлар. Чунки хорижда улар билан расмий меҳнат шартномаси тузилмайди ва бундайлар арзимаган ҳақ эвазига энг оғир ишларни ҳам бажаришга мажбур бўладилар. Охир-оқибатда эса, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ожизлик қиладилар.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади", деб кафолатлаб қўйилган. Ушбу кафолатларни амалда таъминлаш учун кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига асосан ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 950 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилганини таъкидлаш жоиз.

Шундай бўлса-да, жойларда аҳолини иш билан таъминлаш борасида муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлигини тан олиш керак. Масалан, Беруний туман прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Беруний туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни асосида меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш аҳволи ўрганилганда ана шундай ҳолатлар аниқланди.

Хусусан, марказ туманда фаолият юритаётган "Тошкент", "Улуғбек", "Меҳроб Динара" хусусий фирмалари ҳамда Беруний маиший хизмат, иқтисодиёт, қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежлари билан рўйхатга олинган ва ишсиз, деб эътироф этилган фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўқитиш бўйича шартномалар тузган. Бироқ, ушбу шартномалар асосида 2010 йил март-сентябрь ойларида хусусий фирмаларга ишга кирмаган ва коллежларда ҳақиқатда ўқимаган, ўқув ҳамда уста-шогирд машғулотига қатнашмаган 56 нафар шахсга 1 млн. 806 минг сўм стипендия тўланган. Шунингдек, ўқитиш учун шартнома тузган субъектларга (ўқувчи ва усталарга), гарчи улар машғулот ўтмаган бўлсалар-да, давлат бюджетидан ажратилган 2 млн. 410 минг 736 сўм маблағларни ўтказиб берилган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. 3 млн. 799 минг сўм миқдоридаги маблағ давлат бюджетига қайтарилди. Айбланувчиларга эса жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шу каби, янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ кўзбўямачиликларга яна бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳам йўл қўйилган экан. Аниқроқ айтганда, Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил декабрдаги 2010 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги 694-1-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда 2010 йил давомида 4634 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 4671 та янги иш ўринлари яратилган. Танлов асосида иш ўринлари яратилиши текширилганда қуйидаги ҳолат аён бўлди: тумандаги "Жуманиёзов-12" фермер хўжалиги томонидан 12 та янги иш ўринлари ташкил қилиш белгиланган бўлиб, амалда кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Шундай ҳолатни "Беҳрўз Тўлибоев" хусусий корхонасида ҳам кузатиш мумкин. Айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

***Ҳаётда шундай инсонлар борки, кўнглига қил сиғмайди. Улар қалбида фақат бир умид яшайди: "Қани энди мен ҳам бошқалар сингари соғ-омон юрсам, Яратган шифо берса-ю, ҳамма қатори дард азобидан холи ҳаёт кечирсам...".***



# Халқ соғлиғи
## ишончли қўллардами?

**Рустамжон УМАТАЛИЕВ,**
Наманган шаҳар прокурори

Ҳа, соғлик-омонлик инсоният учун бебаҳо бойликдир. Шу маънода, умрини эл саломатлигини асрашга бағишлаган инсонларни муқаддас касб эгалари дейиш мумкин. Бироқ беш қўл баробар бўлмагани каби улар орасида ўз вазифасига лоқайдлик билан қараб, масъулиятсизликка берилганлари ҳам борки, уларнинг қилмишини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Боиси, бундай бепарволикнинг оқибати айрим кезларда жуда ҳам қимматга тушиши мумкин.

Эътибор берган бўлсангиз, кейинги йилларда аҳоли ўртасида йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар, албатта, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш мақсадида олиб борилмоқда.

Наманган шаҳар прокуратураси томонидан шаҳар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги, "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соҳавий буйруқлари ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Бироқ текширишлар давомида мазкур қонун ва қонуности ҳужжатлари талаблари лозим даражада таъминланмаётганлиги аниқланди.

Қайд этиш жоизки, вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Шукуров томонидан 2009 йил январь ойида вилоятда "Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш" бўйича маҳаллий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда йод етишмаслиги танқислиги касалликлари профилактикаси билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ҳудудда фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлари вакилларидан иборат доимий фаолият кўрсатадиган ишчи гуруҳи тузиш ва 2009 йил учун ҳудудий дастур ишлаб чиқиш белгиланган. Бироқ, шаҳар ҳокимлиги томонидан бу вазифа 2009 йилдан 2012 йилнинг ўрганиш давригача бажарилмаган. Шаҳар аҳолисини йод танқислиги касалликлари билан касалланиш сабабларини таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ вазифалар белгиланмаган.

Шаҳар аҳолисининг йод тузига бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва таъминлашга қаратилган вазифаларни белгилаш ва туз таъминотига алоқадор ташкилотларга ҳокимлик томонидан тегишли топшириқлар бериш ва амалда бажарилишини назорат қилиб, таҳлил қилиш ишлари бажарилмаган.

Шаҳар ҳудудидаги ош тузини йодлаб, аҳоли истеъмолига чиқарувчи корхоналар зиммасига юқори навли йодланган ош тузи олиб келиш ва қадоқлаш, аҳоли истеъмолига чиқариш учун зарур, энергия кам талаб қиладиган технологиялар билан таъминлаш вазифалари юклатилмаган. Натижада, ўтказилган текширишлар жараёнида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган ош тузини қадоқлаш цехларида қадоқлаб сотилаётган ош тузи таркибида йод миқдори Давлат стандарти талабида белгиланган меъёр даражасидан паст эканлиги аниқланди.

Шаҳар Тиббиёт бирлашмасида юқорида қайд этилган қонунлар ижроси ўрганилганда эса, бирлашма томонидан 10 банддан иборат тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани ҳамда унда аҳоли ўртасида тиббий кўриклар ўтказиш белгиланган бўлишига қарамай, бу бандлар бажарилмагани маълум бўлди. Яъни, тиббий кўриклар аҳолининг барча қатламида тўлиқ ўтказилмагани ва сифатга эътибор қаратилмагани аниқланди. Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2010 йилда режа асосида ўтказилган тиббий кўрикларда 40865 нафар болаларнинг 19830 нафарида эндемик буқоқ хасталиги аниқланган. Мутасаддилар эса текшириш вақтида тиббий кўриклар тўғрисидаги бирламчи ҳужжатларни тақдим эта олишмади.

Тадбирлар режасининг 3-бандида тиббий кўрикда аниқланган беморларни "Д" назоратига олиш, уларни УТДдан ўтказиш ва соғломлаштириш каби вазифалар белгиланган бўлиб, тиббий кўрикда аниқланган 1-даражали диффуз буқоққа чалинганлар умуман рўйхатга олинмаган ва соғломлаштириш мақсадида уларга оммавий ва якка тартибдаги йод профилактикаси тадбирлари ўтказилмаган. 2-даражали диффуз буқоққа чалинган беморларни диспансер назоратига олиш ва келгусида мутахассис эндокринолог билан ҳамкорликда даволаш ишлари тўғри ташкил этилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган.

Шу ўринда шаҳар ҳокимлиги томонидан юқоридаги қонун ижросини таъминлаш борасидаги ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Ҳокимлик томонидан бу вазифалар иқтисодиёт ва ижтимоий масалаларни ривожлантириш котибиятига юклатилган бўлиб, ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, идоравий назорат ўрнатилмаган, соҳага оид Президент Фармонлари, қарорлари ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган вазифалар лозим даражада бажарилмаган.

Ўтказилган текшириш натижаларига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритилди. Ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий масалаларни ривожлантириш котибияти етакчи мутахассиси А.Домлажонов ҳамда шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош эндокринологи М.Ўрмонов интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Шаҳар ҳудудидаги шифохоналарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1993 йил 19 мартдаги "Даволаш профилактикаси муассасаларида шифобахш овқатланишни ташкил қилиш тўғрисида"ги ва 2008 йил 20 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш муассасаларида беморларни шифобахш овқатланиши бўйича ишловчи тиббиёт ходимлари ва ошпазларнинг меҳнатини ташкил қилиш тўғрисида"ги буйруқларини бажариш ўрганилганда, бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, тузилган таомномаларга сут маҳсулотларидан сузма, қаймоқ, қатиқ, балиқ, тухум ва мева шарбатлари киритилмаган.

Масалан, шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар шифохонаси парҳез таомлар ҳамшираси З.Нишонбоева, Марказий шифохона парҳез таомлар ҳамшираси Х.Нурмирзаевалар тузилган таомномаларда юқоридаги буйруқ талабларига мутлақо эътибор қаратмаганлар. Шу каби ҳолатларни шаҳар ХТБММТ ва ТЭБга қарашли 66-сонли МТМ ҳамшираси Г.Хожимирзаева, 1-сонли МТМ ҳамшираси Д.Назарова, 32-сонли МТМ ҳамшираси А.Хўжамова, 40-сонли МТМ ҳамшираси М.Калиева ва 8-сонли МТМ ҳамшираси О.Мирҳамидоваларнинг фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли Оилавий поликлиникаларда аёллар маслаҳатхонаси мудирлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни талаблари бўйича вазифалар лозим даражада бажарилмагани ҳам маълум бўлди.

Жумладан, 6-оилавий поликлиника аёллар маслаҳатхонаси мудири М.Комилова болалар ва ўсмирлар, туғруқ ёшидаги, эмизикли ва ҳомиладор аёллар ўртасида буқоқ касаллигининг олдини олиш бўйича тузилган тадбирлар режаси талабларига риоя этмаган. "Диффуз буқоқ" касаллигини аниқлаш чораларини кўрмай, касалликнинг олдини олиш юзасидан профилактика ишларини етарли даражада назорат қилмаган.

Ваҳоланки, 2010 йилда 6-оилавий поликлиника томонидан ўтказилган тиббий кўрикда 16095 нафар боладан 213 нафарида эндемик буқоқ хасталиги аниқланган эди.

Шу каби, 8-оилавий поликлиника томонидан ҳам 3651 нафар болада шу хасталик аниқланган бўлиб, масъул шахслар томонидан аниқланган эндокрин хасталиклар бўйича ҳисоботлар вилоят Эндокринология диспансерига топширилмаган. Шунингдек, мазкур муассасада назоратда турган ҳомиладор аёлларнинг 10 нафарига йод етишмовчилиги профилактикаси учун тиббий препаратлар ҳамда эндокринолог кўрувлар масъул акушер-гинекологлар томонидан тавсия этилмаган.

Бу каби қонунбузилиши ҳолатларини 1-, 6-оилавий поликлиникаларда ҳам кузатиш мумкин.

1-оилавий поликлиникаси бош шифокори томонидан "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ижросини бажариш юзасидан масъуллик бевосита поликлиника врач-педиатри Д.Абдуллаевага юклатилган. Бироқ, у участка шифокорлари томонидан аҳолини ялпи тиббий кўрикдан ўтказиш, йод етишмаслиги касалликларини эрта аниқлаш, касаллик аниқланган беморларда даволаш-профилактика ишларини тўғри йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида касаллик бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ҳудуддаги аҳоли истеъмол қилаётган ош тузининг йодланганлик даражасини белгиланган тартибда мониторинг қилиш ишларини назорат қилмаган. Натижада, участка врачлари томонидан белгиланган вазифалар қониқарли даражада амалга оширилмаган.

Масалан, поликлиниканинг участка врачи Ҳ.Умаров тиббий кўрикларни сифатсиз ўтказиб, ўзига бириктирилган ҳудудда 941 нафар бола бўлгани ҳолда, 2010 йилда эндемик буқоқ касалликларини аниқлаш юзасидан назорат ва профилактик тадбирларни ўтказмаган. Шундай бўлгач, табиийки, эндемик буқоқ касаллиги умуман аниқланмаган. 2011 йилда 741 нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилгач, уларнинг 31 нафарида, 2012 йилнинг январь-февраль ойларида 216 нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилганда эса, 17 нафарида буқоқ хасталиги аниқланганига ортиқча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу албатта, беписандлик ҳамда масъулиятсизликнинг касри, дейиш мумкин.

Буни қарангки, шаҳар прокуратураси томонидан мазкур ҳудуддаги 5-, 6-, 10- ва 50-умумтаълим мактабларида таълим олаётган 1340 нафар болада йод етишмаслиги касалликларини аниқлаш юзасидан қисқа муддатли тиббий текширув ўтказилганда, 388 нафар болада 1-даражали буқоқ касаллиги аниқланган.

Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 8-оилавий поликлиникада ҳам айнан шу каби ҳолат такрорланган. Яъни, участка врачи Х.Ҳамидова тиббий кўрикларни сифатсиз ўтказиб, ўзига бириктирилган ҳудудда 660 нафар бола бўлгани ҳолда, 2010-2011 йиллар ва 2012 йилнинг январь-февраль ойларида эндемик буқоқ касалликларини аниқлаш юзасидан назорат ва профилактик тадбирларни ўтказмаган. Болалар назоратдан ўтказилмагач, касалликнинг ҳам аниқланмаслиги табиий ҳол.

Шаҳар прокуратураси мутахассислари томонидан мазкур ҳудуддаги 42-умумтаълим мактабида таълим олаётган 259 нафар бола тиббий текширишдан ўтказилганда, уларнинг 103 нафарида 1-даражали, 2 нафарида 2-даражали диффуз буқоқ касаллиги аниқланди.

Ўтказилган текшириш натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан шаҳар тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритилди. Шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар шифохонаси парҳез таомлар ҳамшираси З.Нишонбаева, марказий шифохона парҳез таомлар ҳамшираси Х.Нурмирзаева, шаҳар ХТБММТ ва ТЭБга қарашли 66-сонли МТМ ҳамшираси Г.Ҳожимирзаева, 1-сонли МТМ ҳамшираси Д.Назарова, 32-сонли МТМ ҳамшираси А.Хўжамова, 4-сонли МТМ ҳамшираси М.Калиева ҳамда 8-сонли МТМ ҳамшираси О.Мирҳамидовага нисбатан маъмурий, 1-оилавий поликлиника врач-педиатри Д.Абдуллаева, участка врачлари Р.Мадалиева, Ҳ.Умаров, 8-оилавий поликлиникаси терапия бўлими мудири М.Салаева, участка врачлари Х.Ҳамидова ҳамда Р.Аламовга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари белгиланди.

*Урганч туман аҳолисининг 57 минг нафарини ёки 34 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилади. Туман прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишига кўмаклашиш ва касб-ҳунар ўргатиш борасида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Айни пайтда тумандаги 8 та касб-ҳунар коллежларида 6515 нафар ўқувчи таълим олмоқда. 2012 йилда уларнинг 2133 нафари ўқишни битириши режалаштирилган.*

# Ёшлар тақдирига бефарқ бўлмайлик

**Азизбек ВАҲАБОВ,**
Урганч туман прокурори

Хўш, битирувчилар учун янги иш ўринлари яратишга етарлича эътибор қаратиляптими? Битирувчилар ўзлари танлаган касб-ҳунар бўйича ишга жойлашиш имконига эгами? Биз бу каби саволларга йил бошиданоқ жавоб изладик. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида туман прокуратураси томонидан 2012 йилнинг биринчи чорагида туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман ҳокимлиги ва вояга етмаганлар ишлари комиссиялари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилди. 79 та корхона ва ташкилотлар 357 та бўш иш ўринлари билан иштирок этган ушбу ярмаркаларга жалб қилинган фуқароларнинг 88 нафари ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича ишга жойлашдилар. Улар орасида коллеж битирувчилари ҳам бор.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан коллеж битирувчилари билан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, битирувчиларга бериладиган имтиёзлар, кредитлар тўғрисида мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ҳам уюштирилиб келинмоқда.

Албатта, мактаб битирувчилари ҳам қонун ҳимоясига олинган бўлиб, туман прокуратурасининг ташаббуси билан тумандаги мавжуд 42 та умумтаълим мактабининг 9-синфини битирувчи 2303 нафар ўқувчилар билан тумандаги 8 та касб-ҳунар коллежлари директорлари ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари суҳбатлар ўтказиб, ўқувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида, уларни таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш ва келгусида танламоқчи бўлган касблари тўғрисида суҳбатлашилди. Олиб борилаётган ишлар, яратилган шарт-шароитлар натижасида ёшларимиз ўз иқтидор ва истеъдодларини ҳар томонлама намоён қилмоқдалар. Хусусан, тумандаги 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Г.Атажанова дзюдо бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. У 18 ёшида спорт устаси талабларини бажариб, олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Г.Йўлдошева ҳам кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган бўлса, ёш бахши Жаҳонгир Рустамов "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ушбу муваффақиятларнинг мавжудлиги қувонарли, албатта. Бироқ, туман прокуратураси томонидан ўтказилаётган текширувларда айрим камчиликлар ҳам аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Урганч туман саноат касб-ҳунар коллежини жорий йилда 245 нафар талаба тамомласа-да, бугунги кунга қадар уларнинг 218 нафари ёки 89 фоизи билан уч томонлама шартнома тузилган, холос. Коллеж директори туман прокуратураси томонидан ушбу масалага масъулият билан ёндашиш тўғрисида расман огоҳлантирилди.

Мақоламиз бошида қайд этганимиздек, бандлик масаласи доимо долзарб аҳамият касб этади. Унга хўжасизларча ёндашувчилар, ўз манфаатлари йўлида фойдаланувчилар ҳам топилиб туради. Урганч туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази "Юқорибоғ" қишлоқ фуқаролар йиғини нозири У.Хўжаев ана шундайлар сирасига кирар экан. У 2011 йил январь ойида аслида "Бобожон қўша" фермер хўжалигида ишлаётган 15 нафар фермер хўжалиги аъзолари номидан туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази директори номига ишга жойлаштириш ҳақида сохта аризалар ёзиб, имзоларни қалбакилаштирган. Шу тариқа "Иш қидираётган фуқарони шахсий ҳисобга олиш варақа"ларини тўлдирган. Иш билан таъминлаш учун юборилган шахс йўлланмасининг қирқиб олинадиган талон қисмидаги фермер хўжалиги раҳбари С.Бобожонов имзосини О.Исмоилов деган шахс номидан қалбакилаштириб, "Бобожон қўша" фермер хўжалигининг муҳрини босган. Бу билан ўз иш фаолиятидаги камчиликларни яшириш ва иш фаолияти кўрсаткичларини юқори қилиб кўрсатишга уринган.

Кейинроқ эса, "Абдулла Мавлон" фермер хўжалигига умуман алоқаси бўлмаган 30 нафар фуқаро номидан Урганч туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази директори номига ишга жойлаштириш ҳақида сохта аризалар ёзиб, имзоларни қалбакилаштирган. Қилмиш қидирмиш, дейдилар. У.Хўжаев ҳам ўз қилмишлари учун суд олдида жавоб берди ва тегишли жазога тортилди.

Юртбошимиз 2012 йил 16 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида: "...Аммо ўйлайманки, ишсизларнинг ҳақиқий сони анча кўп. Нега деганда, минг афсуски, ишсиз юрганларнинг кўпчилиги ўз вақтида бандлик идораларига бориб, рўйхатга турмайди, ўз дардини ўзича ҳал қилмоқчи бўлади. Бундай ҳолатни ҳам ўзгартириш вақти келди... Шунинг учун бандлик хизмати идоралари ўз ишини тубдан қайта кўриб чиқиши зарур", деб таъкидлаган эди.

Ёшлар келажагимиз эгаларидир. Уларнинг тақдирига бефарқ бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ёшларни тўғрисўз, ҳақиқатгўй, ҳалол ва адолатли қилиб тарбиялай олсаккина уларнинг комиллигини кафолатлаймиз.

# Хотира муқаддас

**Баҳромжон ОЛИМЖОНОВ,**
Избоскан туман прокурори

Дафн этиш ва дафн иши муҳим ижтимоий аҳамиятга эга соҳалардан бири бўлиб, вафот этган яқинлари ва қариндошларини хотирлаб, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш инсоннинг энг хайрли амаллари сирасига киради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда дафн этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи махсус қонунчилик ҳужжатлари мавжуд эмас эди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан маъқулланиб, 2010 йилнинг 28 декабрь куни эълон қилиниб, кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонуни ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни ривожлантиришга қаратилган, ўз навбатида дафн ишини ташкил этиш асосларини белгилаб берувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Мазкур қонун дафн этиш ва дафн иши соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро талабларга мувофиқлаштиришни ҳам назарда тутади.

Мазкур қонун амалга киритилиши муносабати билан Избоскан туман прокуратураси томонидан туман ҳудудидаги қабристонларнинг аҳволи ўрганилди ва бу соҳада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, туман прокуратураси ташаббуси билан туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан Майгир, Янгизамон, Янгиқишлоқ, Эркин, Яккатут, Намуна, Шерматобод, Ўртоқлар ҚФЙлари ҳудудларидаги дафн этиш жойларига 14 та назоратчи, 15 та ишчи ва 6 та қоровул вазифаларига ишчи-ходимлар қабул қилинди.

Шунингдек, вилоят молия бошқармаси билан келишилган ҳолда, туман молия бўлими томонидан ҳисоб-китоблар қилиниб, туман маҳаллий бюджетидан ажратилган 36 штат бирлигидан ташқари бюджетдан ташқари дафн ишлари бўйича 12 та қўшимча иш ўрни ташкил этилиб, ойлик маош тўлови ҳам белгиланди.

Бундан ташқари, тумандаги мавжуд 57 та қабристонда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 4 минг метрдан ортиқ жойлар оқланиб, хайрия қутилари ва фуқароларни қайд этиш дафтарлари ташкил этилди. Қабристон ҳудудлари асфальт қилиниб, алоқа телефонлари билан таъминланди.

Чунончи, Янгизамон ҚФЙ ҳудудидаги 12 та қабристонга жами 7128 туп манзарали дарахт экилиб, 128 та ўриндиқ ўрнатилган бўлса, Бўстон МФЙ ҳудудида жойлашган "Шахит мозор ота" қабристонига 30 метр, "Сомсапарота" қабристонига 35 метр, шунингдек, қишлоқдаги яна 10 та қабристонга жами 177 метр найвонлар қуриб, битказилди. Мойгир ФҚЙ ҳудудидаги 7 та дафн этиш жойларида ҳам ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Қишлоқдаги қабристонларга 800 туп манзарали дарахт экилди, 125 дан ортиқ ўриндиқлар ўрнатилди, 107 метр жойга айвонлар қурилди. Шунингдек, хайрия қутилари, фуқароларни қайд этиш дафтарлари ҳамда ёнғин хавфсизлиги бурчаги ташкил этилиб, 295 метр йўл асфальтланди.

Яккатут ҚФЙ ҳудудида 5 та дафн этиш жойи бўлиб, қишлоқдаги "Марказий" дафн этиш жойи 2,7 гектар, "Тўраобод" 1 гектар, "Тўраобод 1" 1,6 гектар, "Тошлоқ" 0,6 гектар, "Овул" 1 гектарни ташкил этади. Мазкур ҳудудларга туман прокуратураси ташаббуси билан манзарали дарахтлар экилиб, ўриндиқлар ўрнатилди. Бундан ташқари, хайрия қутилари ва фуқароларни қайд этиш дафтарлари ташкил этилди.

Таҳлиллар натижасидан кўринадики, аксарият қабристонларнинг ободонлаштирилиши учун маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилмаган. Оқибатда қабристонларда тўсиқлар қуриш, майдонларни кўкаламзорлаштириш, йўлларни асфальтлаш, чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш, санитария-гигиена ҳолатини таъминлаш каби зарур ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Қабристонлар зарур бино-иншоотлар ҳамда хўжалик асбоб-ускуналари билан таъминланмаган, мавжуд воситалар эса яроқсиз бўлиб, капитал таъмирга муҳтож бўлиб қолган.

Ўтказилган тадбирлардан сўнг бир йил қонунбузилиши ҳолатларига барҳам берилиб, ерларни ноқонуний ажратиш билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳам олди олинди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни дафн этиш жойларини туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг бевосита тасарруфида бўлишини белгилаган экан, бу билан қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига хўжасизларча ва масъулиятсизлик билан қараш ҳолатларига барҳам беради. Айни пайтда қонун дафн этиш жойларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

# Бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда

**Шавкат РАҲМОНОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти бўлим инспектори

Бугун мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқларнинг барчаси истиқлол туфайлидир. Мустақиллик боис юртимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш, тараққиёт йўлини ўзи танлаш имконига эга бўлди. Энг асосийси, жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар самарасини ҳар бир юртдошимизнинг турмуш тарзидаги, дунёқарашидаги ўзгаришларда яққол кўришимиз мумкин. Бу эса ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон, унинг фаровон ҳаёти учун деган тамойилга амал қилинаётганининг исботидир.

Бу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августда "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг биринчи бандига мувофиқ ҳукумат қарорлари билан белгиланган тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат беришга доир 50 та ҳужжатнинг амал қилиши 2011 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бекор қилиниб, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсат бериш тартиботларининг янги турларини жорий этиш тақиқланди.

2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб кичик саноат ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун ер участкаларини ажратишга доир мурожаатларнинг ваколатли органлар томонидан кўриб чиқиш ва келишиш муддати бир ойдан ошмаслиги шартлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат мулки бўлган, вақтинча бўшаб ётган ва ишлатилмайдиган хоналарни уларда ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун ижарага бериш бўйича мурожаатларини 7 кун мобайнида кўриб чиқишини таъминлашга мажбурликлари, рухсат этувчи ҳужжатларни бериш муддати тадбиркорлик субъектлари ариза берган вақтдан бошлаб 30 иш кунидан ошмаган ҳолда чегараланиши белгиланди.

Шунингдек, қарорнинг олтинчи бандида товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштирувчи йиғинларининг амалдагига қараганда ўртача 2 маротаба камайтиришни назарда тутувчи янги ставкалари тасдиқланди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилиш бўйича "Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек, хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга доир амалдаги шартномалар гарови ва асосидан экспортдан олдинги молиялаштиришни ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни етказиб бериш каби вазифалар юклатилди.

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муайян иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари яратилди. Бу иқтисодиётда мулкнинг ранг-баранг шакллари, бозор муносабатларининг ривожланиши, сиёсатда ҳокимиятнинг бўлиниши, сиёсий плюрализм, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиш имкониятига эга бўлиши, маънавий жабҳада — бирон-бир мафкура ва дунёқараш яккаҳокимлигининг йўқлиги, виждон ва динга эътиқод қилиш эркинлиги билан изоҳланади.*

# Давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро муносабатлари

**Зоҳид КАРАЕВ,**
Бўка туман прокурори

Фуқаролик жамияти сиёсий ҳокимиятдан қатъи назар, фаолият юритувчи ва унга таъсир кўрсатишга қодир бўлган муносабатлар ва институтлар мажмуини ташкил этади. Эркин ижтимоий омиллар ҳамда давлатга қарам бўлмаслик, умумий мақсадларга эришиш йўлида бошқа шахслар билан изчил ўзаро алоқа қилишга, шунингдек, шахсий манфаатларни ҳуқуқий нормаларда ифодаланган умумманфаатларга бўйсундиришга қодирлик каби хусусиятлар фуқаролик жамияти фаолиятининг зарурий шартидир.

БМТнинг "Демократияга бўлган ҳуқуқни рағбатлантириш тўғрисида"ги резолюциясида фуқаролик жамияти шаклланишининг институционал асосларини яратувчи еттита сиёсий ҳуқуқ санаб ўтилган. Ўзбекистонда мазкур ҳуқуқлардан: умумий сайловда тенг ҳуқуқлилик ёрдамида овоз бериш ва ўз фикрини ифодалаш эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи, қонунийлик ҳокимияти ва одил судловнинг холислиги; давлат муассасаларининг очиқлиги ва ҳисобдорлиги; барча фуқароларга сайловда ўз номзодини қўйиш учун тенг имкониятлар яратиш; давлат хизматига кириш учун барча фуқароларнинг тенглиги масалаларида босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда, сиёсий жабҳада демократик ўзгаришлар борасида ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муайян ютуқларга эришилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда тўлақонли фуқаролик жамияти шаклланмоқда. Бу жараён жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, янги конституциявий хусусиятлар ва механизмлар заминида кечмоқда.

Конституциявий муносабатларни — давлат ҳокимиятини амалга ошириш чегаралари ва тамойилларини, унда аҳолининг иштирок этиш шаклларини белгилаш, ташкиллаштириш ва мустаҳкамлаш борасидаги муносабатлар сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу муносабатларнинг манбаи халқдир. Бунда фуқаролар давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг қайси жиҳатларида мустақил эканлигини аниқлаши ва қандай шартларда улар давлат ҳокимиятини амалга оширишни ваколатли давлат органларига ишониб топшириши назарда тутилади. Шу тариқа, давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг икки турига дуч келамиз:

1. Халқ ҳокимиятчилиги. У қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат ҳокимиятини амалга ошириш шартларини белгилаш; бевосита демократия ва вакиллик демократиясининг ранг-баранг шакллари, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш.

2. Давлат ҳокимиятининг вакиллик хусусиятига эга бўлмаган махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши.

Мазкур талқинларда халқ ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар конституциявий ҳуқуқ предметига киритилиши мумкин. Аниқроқ айтганда, конституциявий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

— давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳудудий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шартларини белгилаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;

— бевосита демократия ва вакиллик демократиясини, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатлар.

Бунда конституциявий ҳуқуқ предметининг икки ёқламалиги тўғрисида сўз юритилмайди, чунки ижтимоий муносабатларнинг иккала гуруҳи ҳам халқ ҳокимияти категориясини ташкил этади. Бу таърифга кўра, махсус ваколатли давлат органлари, масалан, ижро этувчи ва суд ҳокимияти амалга ошириш жараёнида бевосита юзага келувчи ижтимоий муносабатлар давлат ҳуқуқи доирасидан ташқарида қолади, бу конституциявий ҳуқуқни ҳуқуқнинг турдош тармоқларидан ажратиш имконини беради.

Конституциянинг асосий хусусияти унинг олий юридик кучга эгалик тамойиллидан келиб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги аксарият тармоқларининг негизини ташкил этувчи меъёрларнинг белгиланишида намоён бўлади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими Конституцияда мустаҳкамланган тамойиллар ҳамда меъёрларга таянади ва улар тармоқ қонун ҳужжатларида ривожлантирилади. Қайд этилган ҳолатлар, Конституция — оммавий манфаатларнинг олий даражасини ифодалайди, таъбир жоиз бўлса, ўта оммавий хусусият касб этади, деган фикрга келиш имконини беради.

Фуқаролик жамиятида қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизми, унинг асосий таркибий элементлари — ҳуқуқ-меъёрлар, ҳуқуқий муносабатлар, юридик ҳуқуқлар ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳаракатлари, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсади ҳамда маҳсули сифатидаги ҳуқуқий тартибот билан бевосита боғлиқ. Конституциявий-ҳуқуқий тадқиқот доирасида ҳокимиятнинг бўлиниши шароитида ҳокимият органлари фаолияти, уларнинг жамиятга таъсири, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўзаро алоқасининг диққатга сазовор жиҳатларини тушунтириш муҳимдир. Ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамияти доирасида фаолият кўрсатиши, ривожланиши ва ўз вазифаларини ҳал қилиши мумкин. Жамият давлат, унинг конституцияси, институтлари, принциплари ва шу кабиларга нисбатан бирламчидир. Давлат, шу жумладан, унинг Конституциясида мустаҳкамланган ҳуқуқий тизимнинг жамият билан ўзаро муносабатини тўғри тушуниш давлат ва давлат ҳокимиятининг жамият тузилиши, унда юз берувчи ҳаёт фаолияти жараёнларига таъсирини талқин қилишга нисбатан тўғри ёндашиш имконини беради. Зеро, ҳокимият ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

# Истеъмолчиларнинг бурчлари



**Бахромжон ЖЎРАЕВ,**
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Жамиятимиз ҳаётини электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо афсуски, истеъмолчиларнинг муайян қисми тўловларни ўз вақтида амалга ошириш билангина электр энергиясини ҳосил қилиш, уни етказиб бериш учун сарфланаётган меҳнат ва харажатларнинг ўрни қопланиши, энергетика тизимини таъмирлаш, реконструкция қилиш имкониятлари яратилишини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилмаслиги оқибатида катта миқдорда қарздорликлар келиб чиқади. Энергетика тизимини реконструкция қилиб боришни молиялаштириш имкониятлари чекланиб, бундан истеъмолчиларнинг ўзлари зарар кўришади. Эскирган қурилмалар, трансформаторлар, узатгичлардаги носозликлар натижасида электр энергияси узатишда узилишлар содир бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, энергетика тармоғини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилпяти. Прокуратура органлари томонидан ҳам "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 150-сонли "Электр энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш устида иш олиб борилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар бу борада муайян ишлар қилинган бўлса-да, электр энергетика соҳасида дебитор ва кредитор қарздорликлар юқорилигича қолаётганини кўрсатяпти. Чунончи, шу йил февраль ойида умумий дебитор қарздорлик 236,9 млрд. сўмни ташкил этган. Қарздорлик йил бошига нисбатан 4,8 млрд. сўмга камайган. Бироқ, январь ойида истеъмол қилинган энергия учун улгуржи истеъмолчилар ва аҳоли томонидан 82,2 фоиз миқдорида ҳақ тўланган, холос. Прокуратура органларининг аралашуви билан февраль ойи бошида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб, 19,6 млрд. сўм миқдорида зарар келтирган салкам 27900 нафар истеъмолчига нисбатан далолатномалар тузилиб, 2,6 млрд. сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган. Қолган зарарни ундириш юзасидан ҳужжатлар фуқаролик судларига юборилган. Хўжалик судларига улгуржи истеъмолчилардан 29,4 млрд. сўмлик қарздорликни ундириш ҳақида 2910 та даъво аризалари киритилиб, 24,9 млрд. сўми ундирилган.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 150-сонли қарори асосида истеъмолчиларга электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш режаси топшириқлари тўкис бажарилмаган. Улгуржи истеъмолчиларнинг 80,4 фоизи, аҳолининг 31,9 фоизига электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган, холос. Бу эса 85,5 млрд. сўмлик тасдиқланмаган нореал қарздорлик келиб чиқишининг сабабларидан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига асосан 2012 йил 1 январидан эътиборан, электрон приборлар ва аппаратларни ўрнатмаган истеъмолчиларга — хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилиши белгиланган. Ушбу талаб бажарилмасдан, электрон ҳисоблагич ўрнатилмаган 8865 та истеъмолчига электр энергияси узатилаверган. Ушбу ҳолат бўйича "Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси" ОАЖнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Худди шундай қонунбузилишига йўл қўйган Марғилон шаҳар электр таъминоти корхонаси мансабдорлари ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Таҳлилларда истеъмол қилинган энергия учун қарздорликни бартараф этиш чораларини кўриш ўрнига истеъмолчилардан келиб тушган маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон туман электр таъминоти корхонасининг маълумотлари таҳлилида аниқланишича, шу йил 1 январь ҳолатига жами 15,6 млрд. сўмлик дебитор қарздорликнинг 205,9 млн. сўмлигининг муддати ўтказиб юборилиб, ундириш чоралари кўрилмаган. Солиштирма далолатномаларга кўра, истеъмолчилардан жами 113 млн. сўм ундирилгани ҳолда, корхона ҳисобига 30,7 млн. сўми кирим қилинган, холос. Бундан ташқари, тармоққа ноқонуний уланишлардан етказилган 4,2 млн. сўмлик зарарни қоплашга келиб тушган маблағлар корхона ҳисобига кирим қилинмасдан, ўзлаштириб юборилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Электр тармоқларига ноқонуний уланиб, фойдаланиб келган шахсларга қонуний чоралар кўрилмоқда. Чунончи, Риштон туманида фуқаро Б.Солиев ҳеч қандай ҳужжатларсиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехини ташкил қилган. Шартнома тармоғига берухсат уланиб, фойдаланиб келгани натижасида 7,2 млн. сўмлик зарар етказган. "Ишбилармон" жиноий жавобгарликка тортилди. Бу каби ҳолатлар Фарғона ва Қўқон шаҳарлари, Учкўприк, Бешариқ, Данғара, Қува, Фурқат, Фарғона ва Ёзёвон туманларида ҳам аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, етказилган зарарларнинг ундирилиши таъминланди.

Электр энергияси учун ҳисоб-китобларни олиб бориш, қарздорликларни бартараф этиш, ноқонуний уланишларга чек қўйиш борасидаги таҳлилларнинг натижаларига кўра, ноқонуний қарорларга нисбатан 4 та протест келтирилди. 39 та тақдимнома киритилиб, 28 нафар шахс огоҳлантирилди. 134 нафари эса маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. 7 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни узлуксиз ҳамда ўз вақтида амалга ошириб бориш истеъмолчиларнинг бурчи ҳисобланади. Бу бурчларини адо этмаган истеъмолчилар эса нафақат ўзларига, балки жамиятга ҳам жиддий зиён етказадилар. Оқибатда эса, қонун олдида жавоб беришади.

*Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг асл мақсади мамлакатимизда инсон, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада тўлақонли таъминланишига эришишдир.*

# Изчил ислоҳотлар самараси

**А. ЖЎРАХОНОВ,**
Бош прокуратуранинг ОЎК тингловчиси

Айтиш жоизки, жиноятчиликка қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, унинг олдини олиш ва давлат аппаратини коррупциядан тозалаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида таъкидланганидек: "Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтишда, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса юз беради. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам бевосита таҳдид туғдиради".

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш, фош этиш ва унга қарши курашиш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилиб, охирги йилларда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, биринчи навбатда, қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги сиёсати ифодаланадиган ва мустаҳкамланадиган қонунлар ва ўзга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими алоҳида аҳамият касб этади. Келтирилган тизим, жиноятчиликка таъсир кўрсатиш ва унинг устидан назорат даражаси ва аҳамияти сингари бундай аралаш мезон бўйича таснифланган қонунлар ва бошқа норматив актларнинг қайд этилган тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) Конституцияда ифодаланилган умумий нормалар; 2) жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия кодекси нормалари; 3) кодификация қилинган қонунлар. Хусусан, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ифодаланган нормалар; 4) муайянлашган ва муайянлашмаган тарзда ЖК Махсус қисми моддаларининг бланкет диспозицияларига ҳавола қилинган ва уларсиз бланкет диспозицияли моддаларни қўллаш мумкин бўлмаган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

Шу билан бирга давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ифода этишда Жиноят кодекси асосий рол ўйнайди, чунки у жиноий жавобгарлик асослари ва принципларини ўрнатади, шахс, жамият ёки давлат учун қандай қилмишлар жиноят эканлигини белгилайди, жиноят содир этганлик учун жазо турлари ва ўзга жиноий-ҳуқуқий тусдаги чораларни белгилаб беради.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати йўналишининг умумлаштириш даражаси бўйича умумий ва махсусга ажратиш мумкин. Умумийга қуйидагиларни санаб кўрсатилади:

1) Жиноят қонунчилигини янги ижтимоий муносабатларга мувофиқлаштириб, тубдан қайта қуриш; 2) ҳуқуқий давлатни шакллантириш шу жумладан, унинг жиноят ҳуқуқига тааллуқли қисмида ҳам бу ишни амалга ошириш; 3) янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда ҳуқуқбузарликларга қарши кураш самарадорлигини таъминловчи жиноий-ҳуқуқий ва ўзаро ҳуқуқий тадбирларнинг ўзаро энг мақбул муносабатларини ўрнатиш.

Махсусга қўйидагилар киради:

1) Илгари жиноят деб ҳисобланган қилмишларни жиноят деб топмаслик; 2) илгари жиноят деб топилмаган қилмишларни жиноят деб ҳисоблаш; 3) жазоларни депенализация қилиш, яъни айрим жиноятларни юмшатиш ёки унча қаттиқ бўлмаган жазо турларини бекор қилиш; 5) жиноят қонуни умумий ва махсус нормаларини ўзгартириш ва уларга аниқлик киритиш; 6) уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга ошириш мақсади республикамизда янги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар юзага келганлиги сабабли ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу ҳолат прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш ҳамда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятига тубдан янгича ёндашиш лозимлигини ҳаётий зарурат сифатида келтириб чиқармоқда.

Бизнингча, жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини янада кучайтириш учун қуйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, мамлакатдаги жиноятчиликка қарши курашишда қонуннинг мутлақ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакат аҳолисини, айниқса, ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида фуқароларни асоссиз ушлаш, қамоққа олиш ва қонунсиз жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари мутлақо бўлмаслиги керак. Ҳар бир шундай ҳолат фавқулодда ҳодиса деб баҳоланиб, у юзасидан чуқур текшириш ўтказилиши, қатъий ва жиддий хулосалар қилиниши лозим.

Учинчидан, жиноят судлов иш юритуви ўз олдига жиноятларни тез ва тўла очиш, ҳар бир жиноятни тергов қилиб, гумонланувчининг айбини исботлаб, қонуни тўғри татбиқ этиш орқали жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилишини, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобѓарликка тортилмаслигини ва ҳукм қилинмаслигини вазифа қилиб қўйиши шарт.

Тўртинчидан, қонунийликни, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиш, уларга қатъий риоя этиш, умумэътироф этилган яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга ҳар томонлама шарт-шароит яратиш лозим.

Бешинчидан, жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳуқуқий ҳамкорликнинг изчил ва самарали амалга оширилиши, давлат органларига фуқароларнинг ишончини ортишига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органлари ваколатига кирувчи масалаларнинг аниқ, ўз вақтида ва холис ҳал қилинишига янада кўпроқ эришишимиз керак.

Олтинчидан, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг, биринчи навбатда, демократик қадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари, унинг куч ишлатувчи тузилмалари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси бўлган жамоатчилик назоратини янада кучайтириш керак.

Еттинчидан, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариш, ислоҳотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши, айниқса, жиноятчиликка қарши курашда оммавий ахборот воситаларидек таъсирчан воситадан тўлақонли фойдаланишимиз лозим.

Саккизинчидан, маъмурий юрисдикция майдонини кенгайтириб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

# Жиноий жазолар либераллашмоқда

Талъат **МЕЛИБОЕВ,**
Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси

Адолатли жамиятда яшашни ҳар бир инсон орзу қилади. Бундай жамият эса умуминсоний қадриятлар ҳамда қонун устуворлиги тан олинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси амалда таъминланган, ҳақиқий демократияга асосланган жамиятдир. Шунинг учун ҳам, давлатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари устунлигини тан олган ҳолда уни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик вазифа этиб белгиланди. Ўтган даврда бу йўлдаги босқичма-босқич ва изчил одимларимиз ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида ярашув институтига алоҳида урғу бергани бежиз эмас. Маърузада таъкидланганидек, "...ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган. Шу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди".

Мамлакатимизда 2001 йилда бошланган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, унинг таркибий қисми ҳисобланган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят қонунига бир қатор янги нормалар киритилди. Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир этиб, ўз айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жазоламай туриб ҳам жазодан кўзланган мақсадни таъминлаш мумкинлигини инобатга олиб, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтига оид модда киритилди. Мазкур норма мазмунида жамиятда кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч, тотувлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш мезонлари устувор аҳамият касб этади. Бу эса айни пайтда кишилар қалбида раҳм-шафқат, инсонпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги норманинг киритилиши билан жиноят содир этиб ўз қилмишидан пушаймон бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масалаларини ижобий ҳал қилиш имкониятлари яратилди. Хусусан, жиноятдан жабр кўрган шахснинг ҳам, жиноят содир эттан шахснинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга кенг йўл берилди. Жиноят қонунига бу институтнинг киритилиши жиноят қонунчилиги сиёсатидаги либераллаштириш ва адолатпарварлик имкониятларини кенгайтиришнинг яна бир самарали механизми жорий этилди.

Жамият учун ярашув бу — низоли вазиятларни тинч йўл билан ҳал этиш учун қайтариш ва одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишлари, фуқароларнинг бўлиб ўтган воқеалар юзасидан баҳо беришлари, ҳақиқатни ўрнатиш, судларни эса унча муҳим бўлмаган ишлардан озод этишдир.

2001 йилдан бошлаб ярашув институти 53 та жиноят бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида озодликдан маҳрум этилганлар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил этмоқда.

Жиноят кодексининг $66^1$-моддаси бунга ўхшаш процессуал институтлардан, яъни жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа турларидан бир мунча фарқ қилади. Хусусан, ярашув институти учун жиноятларнинг бирмунча торроқ доираси белгиланган. ЖК $66^1$-моддасига тааллуқли бир қатор ижтимоий хавфи унча катта ва унча оғир бўлмаган жиноятлар юзасидан жабрланувчига айбдорни жазолаш ёки жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, хусусий айблов ишлари бўйича жабрланувчи билан айбланувчи ўртасидаги ярашув тўғрисидаги қонунни қўлловчининг қарори айбланувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Чунки жиноят-ҳуқуқий институт учун жабрланувчи билан айбланувчининг ярашиш факти суднинг жиноий таъқибни тугатиши учун етарли шартлардан бири ҳисобланади. Ниҳоят ЖКнинг $66^1$-моддасини қўллашда етказилган зарарни қоплаш жиноий жавобгарликдан озод этишнинг зарурий шартларидан биридир.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Қарорининг 4-бандида ҳақли равишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасига ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га тушунтирилиши шартлиги юклатилган. Бу талабга риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг бекор қилинишига асос бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарорда тушунтириш берилган.

Мазкур институт Ўзбекистон Республикасининг ЖК $66^1$-моддаси ва ЖПКнинг 582-586-моддаларида ўз ифодасини топди. Бу ўзгаришларни моҳиятан қуйидагилар билан боғлаш мумкин:

Жиноят қонунчилигида адолат ва инсонпарварлик принципларини таъминлаб, репрессив жазо чораларини белгилаш тизимини тобора қисқартириш ва жазони белгилашда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўртасидаги мутаносибликни мустаҳкамлаш;

Муқаддам судланмаган ва ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта бўлмаган қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чора ва жазоларни қўллаш;

Жиноий жазоларни тобора либераллаштириш, уларни халқаро-ҳуқуқий стандартларга мос бўлишини таъминлаш, жиноят ҳуқуқи соҳасига оид сиёсатга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш;

Иқтисодиётга оид жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо ўрнига жарималарни қўллаш, эҳтиёт чораларини танлашда эса кўпроқ гаров, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхатни қўллаш; Вояга етмаганлар, аёллар ва кексалар учун жазо тайинлаш тизимини эркинлаштириш; Ярашув институтини жорий этиш асосида жиноят ишларини юритиш муддатларини қисқартириш; Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш борасида суд ва прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш.

Мамлакатимиз Конституциясида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Юртимиз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар энг аввало инсон ва унинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Шундай экан, бу борадаги барча ишларимизни изчил давом эттириш энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

# Сувдаги болалар

Ҳ.ҲАКИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

2009 йилнинг кеч кузи. Қуёш нур сочиб турса-да, ҳаво совуқ. Тушлик вақти учун бўлса керак, катта Фарғона канали оқиб ўтувчи Нурсух қишлоғи кўчаларида одам сийрак. Уч нафар йигит хонадонлардан бирида табиий газ ҳисоблагичини ўрнатиш билан овора. Шу пайт янграган қичқириқ уларнинг эътиборини ўзига тортди.

— Ҳа, Валижон ака, тинчликми?! — йигитлардан бири ўша томонга жавоб қайтарди.

— Тез, келинглар...

Йигитлар бирин-кетин югура кетишди. Канал қирғоғига боришгач эса, тахминан 7-8 ёшлардаги бир қизнинг сувда оқиб келаётганини кўриб, аввалига нима қилишни билмай қолишди. Сўнгра уни қутқаришга ҳаракат қилишар экан, нарироқда оқиб кетаётган болага ҳам кўзлари тушди. Кўп ўтмай, ҳар икки болани ҳам қутқариб, уларни ўзлари ишлаётган хонадонга олиб келишди. Уй эгасининг кўрсатган биринчи тиббий ёрдами, маҳалла шифокорининг саъй-ҳаракатлари билан болалар ҳушига келди. Ўзини бирмунча тутиб олган қизча "укам, укам қани", — дея мадорсиз қўлларини ерга тираб, ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Ўзингни уринтирма, уканг олдингда. Ана қара, сопа-соғ, — деди уй эгаси уни тинчлантириб.

— Биз учта эдик, — қизча шундай деди-ю, кўзларидан ёш селдай қуюлиб кела бошлади.

Унинг бу хабари атрофдагиларни батамом довдиратиб қўйди.

— Нималар деяпсан? У ерда бошқа бола йўқиди? — деганча йигитлардан бири фикрини тасдиқлашларига умидвор бўлгандай шерикларига қаради.

Ҳамма муҳокамага берилиб кетди. Кимдир у деди, яна кимдир бу. Болалардан қаерда яшашини сўраб, билиб олганларидан сўнг уларни айтилган манзилга олиб боришди.

* * *

Салима (исм-фамилиялар ўзгартирилган) турмуши бўлмай, ота ҳовлисида икки укасининг оиласи билан истиқомат қила бошлади. Кўп ўтмай, айрим келишмовчиликлар сабабли у ва келинлар ўртасида жанжаллар келиб чиқа бошлади. Бу, албатта, укаларига ёқмас, улар гоҳида опалари тараф бўлса, гоҳида оилалари томонда бўлишар эди. Ўзаро "айтишув"ларда айниқса, укасининг хотини томон бўлиши Салимага умуман ёқмасди. Бора-бора укаси ва келинига нисбатан нафрати ошиб, улардан ўч олиш режасини туза бошлади. Шундай кунларнинг бирида катта укаси хотини билан "Янгибозор"-га кетиб, уйда кичик уканинг хотини 6 ойлик чақалоғи ва икки боласи билан қолди. Режасини амалга ошириш учун қулай фурсат келганини пайқаган Салима ишга киришди.

Эндигина мактабдан келиб, овқатланаётган қизига жиянларини орқа кўчага олиб чиқишни тайинлади. Бироқ унинг бундай оҳангда гапириши қизига ёқмади.

— Нимага? Тинчликми?

Унинг сўроғи жавобсиз қолди. Ноилож, келинойисининг олдига келди.

— Ҳамиджонни кўчада айлантириб келсам майлими?

— Майли, фақат узоққа кетманглар.

Икки болани етаклаб, чақалоқни кўтарган қиз, орқа кўчага чиқди. У ерда уларни онаси кутиб турарди.

— Чиқдингларми, юринглар!

— Қаерга борамиз, ая?

— Сизларни айлантириб келаман, — қисқа жавоб қилди Салима.

Чақалоқ кўтарган қиз жиянларини эргаштирганча, онасига эргашди. Улар дала оралаб, катта Фарғона каналининг бўйига энди чиқишган ҳам эди, Салима аввал катта укасининг фарзандлари Зилола ва Жамолиддинни, сўнг қизининг қўлидаги 6 ойлик чақалоқ — кичик укасининг фарзанди Ҳамиджонни каналга отиб юборди. Қизалоқ онасининг бу ишидан карахт бўлиб турганида Салима унинг қўлидан етаклаб, қўшни қишлоққа йўл олди...

Бу пайтда канал бўйлаб келаётган Валижон ака сувдаги қизчани кўриб, одамларни ёрдамга чақирди. Юқорида ҳикоя қилганимиздек, Валижон ака ва йигитларнинг саъй-ҳаракатлари билан икки боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо ҳали ёшига етмаган Ҳамиджон нафас йўлларига сув билан тиқилиши натижасида оламдан ўтган эди.

Ушбу ҳолат бўйича олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида Салиманинг мудҳиш жинояти фош этилиб, одил суднинг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



*Кўплаб муаммолар сабабчиси ичкилик эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай, айрим иродаси бўш одамлар ўз муаммоларидан қутулиш ёки уларни вақтинчалик бўлса-да унутиш мақсадида ичкиликка ружу қўядилар. Оқибатда эса, янада мураккаб вазиятларга сабабчи бўлиб, муаммолар гирдобига тушиб қоладилар.*

# Мастлик оқибати

Илҳом УСМАНОВ,
Учтепа туман прокурори

Ўзининг оилавий муаммоларини ҳал қила олмай, ичкиликка берилган Файзулла Алихўжаевга (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ҳам яқинлари, дўсти биродарларининг бу йўл яхшиликка олиб бормаслиги ҳақидаги панд-насиҳатлари кор қилмади. Аллақачон қирқ ёшдан ошган Ф.Алихўжаев оиласидан, ишидан ажралди ҳамки эс-ҳушини йиғиб ололмади. Қайтага бошига тушаётган ташвишлар учун бошқаларни айбдор санай бошлади. Иродасизлиги сабаб аллақачон ўзи мубтало бўлган алкоголизмдан даволанишга уриниб ҳам кўрмади.

Йўл қоидасини бузгани учун ҳайдовчилик гувоҳномасини олдириб қўйган Файзулла кира қилиб пул топишдан ҳам маҳрум бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида, яъни ўтган йилнинг 11 майида уйидагиларга билдирмасдан укасининг "Матиз" русумли автомашинасини ҳайдаб кўчага чиқади.

Йўловчи мижозни олиб кетаётганида яна йўл қоидасини бузгани учун ЙҲХХ ходими томонидан тўхтатилади. Ундан тегишли ҳужжатлар ва албатта ҳайдовчилик гувоҳномаси сўралганда, минг хил баҳона тўқийди. Хуллас, укасига тегишли автомашина жарима майдончасига олиб бориб қўйилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномасисиз автомашина бошқарган, бунинг устига қоидабузарлик содир этган Файзулла одатига кўра, яна бошқаларни айбдор санай бошлайди. Аламини ичкиликдан олиш учун ўша атрофдаги кафега бош суқади.

Кафедан маст ҳолатда чиққан Файзулланинг кўзи нарироқдаги "Тико" автомашинасида ўтирган милиция ходими, ИИБ ХООБ профилактика инспектори М.Ҳожиевга тушади.

Мастликни ихтиёрий жинниликка қиёслаган экан Арасту. Ихтиёрий жинниликни бўйнига олган Файзулла кафе ёнидаги ошхона томонга боради. Очиқ айвон остида таом тайёрлаётган ошпазларга сездирмай, ўша ерда бўлган ошхона пичоғини олади-ю, "Тико" автомашинаси турган томонга қараб юра бошлайди.

Тушлик қилиш учун озиқ-овқат сотиб олиш мақсадида ошхонага кириб кетган ҳамкасбини кутиб ўтирган М.Ҳожиев аввалига нима бўлганини англамай қолади. Ўзига келганда эса кучли оғриқ ва кўксига санчилган пичоқни кўради. Воқеа устига келиб қолган М.Ҳожиевнинг ҳамкасби Шуҳрат қочишга тушган Файзуллани қувиб кетади. Шу атрофда бўлган оддий фуқаролар ҳам унга ёрдамга шошилишади.

Қилғиликни қилиб, қоча бошлаган Файзулла узоққа боролмади. Чапдаст йигитлардан бири уни тутиб, милиция ходимига топширади.

Ундан нега бундай қилганини сўрашганда, "Форма кийган одамларда аламим бор," деб алжирашдан нарига ўтмайди.

Зудлик билан 1-сонли шаҳар клиник касалхонаси жарроҳлик бўлимига ётқизилган, ўз вақтида кўрсатилган тиббий муолажалар сабабли М.Ҳожиевнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳеч бир сабабсиз, маст ҳолатда, ўзига олдиндан номаълум бўлган инсон ҳаётига қасд қилган Ф.Алиходжаев судда ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, барчасига мастлик сабабчи эканлигини, шу боис нима иш қилганини англамаганлигини айтиб пушаймонлик билдирди.

Аммо сўнгги пушаймондан нима наф? Мастлик ҳолатида жиноят содир этиш эса жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Ф.Алиходжаев 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, унинг жазони ўташ жойида мажбурий тартибда алкоголизмдан даволаниши ҳам белгилаб қўйилди.

# Ҳужжатларни легаллаштиришнинг янгича тартиби

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Зоҳид ХАТАМОВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

Мазкур ҳужжатни мамлакатимизда амалиётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 июлдаги 1566-сонли "Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга кўра, қуйидаги органлар Ўзбекистон Республикасида апостиль қўйиш ваколатига эга:

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази — фан ва таълим соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — бошқа барча расмий ҳужжатларга.

Апостиль бу ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган зарур реквизитларга эга махсус штампдир.

Амалдаги тартибга кўра, апостиль зарур ҳужжатлар ваколатли давлат органига тақдим этилганидан сўнг 5 кундан 20 кунгача бўлган муддат ичида қўйилиши назарда тутилган. Апостиль қўйилганлиги учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида давлат божи тўланади. Апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий ҳужжатлардаги мансабдор шахсларнинг имзолари ва муҳрлар босма изи аниқ бўлиши кераклиги, аниқ бажарилиши ва бошқа қатор талаблар қўйилган. Апостиль ваколатли давлат органининг гербли муҳри билан тасдиқланади. Апостилга қўйиладиган имзо, муҳр ёки штамп қўшимча равишда тасдиқлашни талаб этмайди.

Апостиль чет элда Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари ёки консуллик муассасалари томонидан тақдим этилган ҳужжатларга, тижорат ёки божхона операцияларига тўғридан-тўғри алоқадор бўлган ҳужжатларга, паспортга, ҳарбий билетга қўйилмайди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш кераккки, юқорида тилга олинган Конвенцияга қўшилмаган давлатлардан келиб тушган ёки уларга юборилаётган расмий ҳужжатлар учун консуллик легаллаштируви тартиби амал қилишда давом этади. Яъни, Ўзбекистон Гаага Конвенциясига қўшилган бўлса-да, мавжуд консуллик легаллаштирув амалиёти Конвенцияга қўшилмаган давлатлар учун қўлланилишда давом этаверади.

Шу билан бирга, расмий ҳужжатларни легаллаштиришлилини талаб этмайдиган, уни соддалаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳолатлар халқаро шартнома орқали кўриб чиқилган тақдирда ҳужжатни легаллаштириш ҳам, апостиль қўйиш ҳам шарт бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Гаага Конвенцияга қўшилишидан олдинги ва ундан кейинги даврлардаги қонунларини таҳлил қилганда айрим жиҳатларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз мазкур Конвенцияга қўшилишидан аввал ҳужжатларни легаллаштиришда жисмоний ёки юридик шахсга бир қанча мураккаб жараёнлардан ўтиши талаб этилар эди. Дастлаб ҳужжат нусхасини нотариусда тасдиқлатиш, сўнгра нотариуснинг имзоси ҳақиқийлигини гувоҳлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиш керак эди. Шундан сўнг ҳужжат Адлия вазирлигининг ваколатли шахси имзосини тасдиқлатиш учун Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этилар эди. Ва ниҳоят, мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги консуллик идораси ходимининг имзосини тасдиқлаш учун ҳужжатни хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонасига тақдим этиб, тасдиқлангандан сўнггина ҳужжат консуллик легаллаштирувидан ўтган ҳисобланар эди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Конвенцияга қўшилгандан сўнг мазкур жараён сезиларли даражада соддалашди — жисмоний ёки юридик шахс илгаригидек тўртта эмас, биргина ваколатли давлат органига ҳужжатларни тақдим этиб, ҳужжатни апостиль қўйиш йўли билан легаллаштириш имконига эга бўлди.

Шундай қилиб, апостиль қўйиш амалиётининг мамлакатимизда татбиқ этилиши ҳужжатларни легаллаштириш жараёнини тезлаштириши ва соддалаштириши билан бирга фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигининг олдини олиш ва уларга қулайлик яратиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

# Нафсининг қули

Шерамат ОБИДОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли ОИТСга қарши кураш маркази биносига кириб келган йигит рўпарасидан чиққан кишидан бош врачнинг хонасини сўради-да, у кўрсатган томонга юрди. Қабулхонада икки-уч киши ўтирган экан. Навбатини кутиб, ичкарига киргач, бош шифокорга илгари тез тиббий ёрдам марказида фельдшер бўлиб ишлаганлигини, бўш ўрин бўлса, шу вазифани бажариш ниятида эканлигини билдирди. Бош шифокор бу масалани ташкилий-услубий бўлим мудири ҳал қилишини айтиб, гапни қисқа қилди.

Мудир ўрта ёшлардаги аёл экан, айни дамда фельдшер лавозимида бўш ўрин йўқлигини, телефон рақамини қолдириб кетса, жой бўшаши билан чақиришини айтиб, жавоб берди.

Орадан 20 кунлар ўтгач, опа унга қўнғироқ қилди. Бўш ўрин топилганини айтиб хурсанд қилди-ю, аммо озроқ харажати борлигини ҳам гап орасида қистириб ўтди.

— Очиғини айтишим керак, Нуриддинжон, — деди у. — Бу пул менга керак эмас. Бош шифокорнинг ўзи тайинлагани учун айтаяпман.

— Бўлди опа, розиман. Қанча бўлади?

— Кези келганда ўзим айтаман. Ҳозирча фақат ҳужжатларингизни олиб келсангиз бўлди. Қолганини кейин гаплашамиз.

Нуриддин бир томондан ишга жойлашиши аниқ бўлганидан хурсанд бўлса, иккинчи томондан ҳужжатлари жойида бўла туриб, яна пул бериши кераклигини ўйлаб, боши қотди. Шу алпозда бир кунни ўтказгач, тегишли органга мурожаат қилишга қарор қилди. У ердагилар Нуриддиндан билан суҳбатлашгач, диктофон бериб, барча гапларни ёзиб олишни тайинлашди.

Нуриддин марказга келиб, бўлим мудирига учрашди. Опа унинг ҳужжатларини кўриб чиқар экан, гап бошлади:

— Кеча телефонда бир гап айтган эдим, ёдингиздами? Хуллас, бу менинг эмас, марказимиз бош шифокорининг топшириғи.

— Қанча?

— Кўп эмас, бор-йўғи 300 доллар. Фақат мени тўғри тушунинг, пулни бош шифокорнинг ўзига бераман. Хўш, барча ҳужжатларингиз жойида. Энди, юринг, бош шифокорнинг ёнига борайлик-чи!

Ўз навбатида бош шифокор ҳам Нуриддиннинг ҳужжатларини кўриб чиқди-да, "Нима иш бўлса ҳам қилаверасиз, йўқ десангиз, тўрт томонингиз қибла", деди дабдурустдан.

Нуриддин нима ҳам дерди, рози бўлди. Сўнгра уларнинг гапи билан айтилган вақтда келишни ваъда қилиб, орқасига қайтди-да, диктофонни керакли жойга олиб бориб топширди. У ерда ҳужжатларни расмийлаштириб, айтилган 300 долларининг 100 долларлик битта купюрасига махсус ишлов бериб, қўлига тутқазишди.

2 июнь куни Нуриддин яна марказга кириб келди. Аммо бу сафар опа уни қовоғини уйганча кутиб олди-да, нима учун кеча келмагани билан қизикди.

— Кеча зарур ишим чиқиб қолганди, узр, бошқа қайтарилмайди, — ўзини оқламоқчи бўлди Нуриддин.

— Йўқ ука, бунақаси кетмайди. Мен бош шифокор билан гаплашдим. У киши ҳам бизга бунақа ходимлар керак эмас, деб айтдилар. Сизга жавоб.

Нуриддин бўш келмади, агар ишга қабул қилишса, битта ўтириш ҳам қилиб беришига ҳам шама қилди-да, 300 долларни столга қўйди.

— Барибир бўлмайди, пулингизни қайтариб олинг!

— Опажон, илтимос, шу ишни амаллаб беринг, — у шундай дея долларларни стол устидаги блокнотнинг ичига солиб қўйди.

Ким билсин, балки пулни кўргач, опанинг "кўнгли юмшагандир", хуллас, рози бўлиб, блокнотни олди-да, Нуриддинни бош шифокорнинг ҳузурига бошлади. Аммо манзилга етиб бора олмади. Тезкор ходимлар уни йўлакдаёқ тўхтатиб, қўлидан 300 доллар солинган блокнотни олишди...

Шундай қилиб, ишга қабул қилиш баҳонасида бир фуқародан тамагирлик йўли билан пул ундирган марказнинг бош шифокори билан бўлим мудирининг қилмишлари фош этилди. Буни қарангки, тиббиёт соҳасида 1996 йилдан бери ишлаб, аста-секин мансаб пиллапояларидан кўтарилиб келаётган У.Мурадов ўша дамда бош шифокор вазифасини бажарувчи бўлиб фаолият юритаётган экан. Ким билсин, агар нафсига қулоқ тутмаганида, бир-икки йил ичида шу лавозимга тайинланармиди? Афсуски, ундай бўлмади. Бунга эса, аввало ўзи сабабчи.

# Босқинчилик

Фарҳод БОБОНИЁЗОВ,
Дўстлик туман прокурори

Кўриниши бироз одмироқ бўлса-да, кистарали жувоннинг илдам қадамлар билан серқатнов йўл четида бориши бир марталик иш излаб чиққан навқирон йигитнинг эътиборини тортди.

— Опа иш йўқми, одам керак эмасми?

Аёл тўхтаб, йигит томон ўгирилди. Бир муддат сукут сақлаб туриб, «Йўқ, бошқа иш билан бу томонга юргандим», — деди.

Атрофга ўғринча назар ташлаб олган йигит гапини давом эттирди.

— Унда нима юмушлар билан? Ёрдам керак бўлса, мана биз турибмиз-да!

Йигитнинг астойдил гапириши аёлнинг эътиборини тортди. Унга бошдан-оёқ разм солиб, четроққа ўтишни таклиф қилди.

— Ука, ўзингиз яхши биласиз, ҳозир ҳамма ўз дардида! Очиғини айтсам, ўзимнинг ишим яхши эмас, менам автошоҳбекатга ишга чиқаман.

— Қанақа иш опа, билсак бўладими? Яхши иш бўлса, тортинг бизниям.

— Унақа иш қўлингиздан келмайдими деймандa...

— Нега унақа дейсиз, опа? Ишга чаққон, оғзига маҳкам болалардanmиз! Менга бемалол ишонишингиз мумкин.

Улар шу йўсин узоқ вақт "дардлашиб" ўтиришди. Суҳбат орасида аёл: "Олинган пулдан 10 фоизи сизга, фақат олдимда турасиз, бўладими?" — деди.

Фозил (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аввалига бироз иккиланиб қолди-да, ғурури йўл қўймади, шекилли, розилик билдирди.

— Келишдик. Ўзингиз амалласангиз бўлдида, опа.

— Айтганча, ёнингизга шерик олволсангиз, янада яхши бўларди.

— Бўлди. Яқин ўртоғим бор, ишонарли. Чақирайми?

Зум ўтмай Фозилнинг ўртоғи Ғанижон етиб келди. Мухтасар унга ҳам режасини тушунтирди. Ғанижон рози бўлгач, тушликдан кейин шу ерда кўришишга келишишди. Айтилган вақтда тўпланишди.

— Овқатланиб олсак, нима дейсизлар? Унгача кеч ҳам тушиб қолади, — дея Мухтасар ошхона томонга йўналди.

Улар бирин-кетин ошхонага кириб, кеч бўлгунча ўтиришди. Қоронғу тушар-тушмас, Чилонзор буюм бозори ёнидаги Қашқадарё вилоятига қатнайдиган автомашиналар турган жойга келишди. Йигитлар ҳайдовчилар томон юришган пайт, аёл атрофни кузата бошлади.

— Фозил Қашқадарёга машина гаплашибди. Айтишича, машинада пул бор экан, — деди Ғанижон аёлнинг қаршисига келиб.

— Қанчага гаплашибди?

— 80 мингга, Китобгача.

— Яхши. Кетдик, — Мухтасар тўпланиб турган одамлар орасига юрди.

Учволон Н.Ҳасанов бошқарувидаги машинага ўтирдилар. Тошкентдан чиқишлари билан йигитлар олган шарбатларига уйқу дори қўшиб, ҳайдовчига узатишди.

— Ака, шарбатдан ичинг? Муздай, яхши экан.

— Раҳмат ука. Мен шарбат ичмайман. Совуқ чойим бор.

Ҳайдовчининг рад жавоби йигитларнинг режасини кўкка совурди. Мухтасар Фозилга маъноли қараб қўйди. Орада Мухтасар соғлиғи ёмонлашаётганини айтиб, машинани тўхтатишни илтимос қилди. Машинадан тушар экан, ўзидаги пичоқни Фозилга бериб, четга ўтди-да, юз-қўлини ювди. Яна йўлга тушишди.

Тунги соат бирларда Жиззах вилояти ҳудудидаги ЙПХ масканидан ўтганида яна Мухтасарнинг соғлиғи "ёмонлашди". Машина тўхтаётганида, аёл Фозилга ишора қилиб, ўзи юзини ювиш мақсадида машинадан узоқлашди. Йигитлар ҳайдовчини бўйнига пичоқ қадаб, ундан пул талаб қилишди. 50 минг сўм пул ва 1 дона "Нокиа-1100" русумли уяли телефон аппаратини олгач, ҳайдовчининг қўл-оёқларини боғлашди. Сўнг уни шу ерда қолдириб, ўзлари автомашинада ортга қайтишди. Гулистон шаҳридаги бир маҳаллага келиб, яна машинани тинтиб кўрдилар. Бошқа пул чиқмагач, машинанинг магнитофонини ечиб олишди.

Қўл-оёғи боғлиқ ҳолда ташлаб кетилган ҳайдовчи бир амаллаб арқонни ечиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Олиб борилган тезкор суриштирув вақтида босқинчиларнинг жиноятлари фош этилиб, улар суд ҳукми билан узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

# «Ўғригина жиян»

Муҳриддин МАМАДАЛИЕВ,
Мингбулоқ туман прокурори
Нилуфар НИЁЗОВА,
«Ниqиq»



Моҳира хола (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўғлини уйлантириш ҳаракатига тушиб қолди-ю, ҳаловатини йўқотди. Тўй қилиш осонми?! Аввало уйларни, ҳовли деворларини таъмирлаш керак. Ахир ҳозир ҳамма шундай қиляпти. Ўғли борлар бирор ҳовлига совчиликка боришдан аввал уй-жойини обдон таъмирлатяпти. Қиз чиқарадиган ҳам ундан қолишай демайди. Шундай бўлганидан кейин... Моҳира хола улардан қолсинми?!

Бир ой деганда, ҳамма уйлар таъмирдан чиқди. Аммо шундан кейин ҳам муаммолар тугамади. Бу ёқда янги бўёқдан чиққан хоналарни тозалаш керак. Кейин... Ҳали тўйнинг каму-кўстлари битмаган, бир дунё бозор-ўчар қараб турган бўлса...

Моҳира хола ўйлай-ўйлай синглисининг қизи Манзурани чақиртиришга қарор қилди. Буни қизи Чаросга айтганди, у ҳам рози бўлди. Ҳатто пайсалга солмай, холасига қўнғироқ қилишга тушди.

— Тўй бошланай деяпти-ю, бундоқ "Нима юмушлар бор?" ҳам демайсизлар-а? — ўзича гина қилган бўлди у. — Хола, ўзингиз келолмасангиз ҳам, Манзурани юборинг, бироз қарашиб турсин. Ремонтдан кейин ҳаммаёқ бир аҳвол бўлиб ётибди...

Манзура узоқ куттирмади. Эртаси куниёқ етиб келди. У қишлоқ қизи эмасми, оғир юмушлардан ҳам бўйин товламас, айрим кунлари холаси жиянини қизига ибрат қилиб кўрсатарди ҳам. Шу аснода тозалов ишлари ниҳоясига етди-ю, Моҳира хола кунора бозорга югурюгурни бошлаб қолди.

— Эртага Қўқон бозорига борамиз, — кечки овқат маҳали сўз қотди у ўғлига қараб. — Бирорта машина топ. Бу ердан кўнглимга ёқадиган кийимларни топиб бўлмаяпти. Тонг саҳарда йўлга чиқсак, пешинга қолмай қайтиб келамиз.

Моҳира хола тонгда ўғли ва қизи Чаросни олиб, Қўқонга жўнади. Манзура эса уй юмушларини қилишга тутинди. Бироқ, негадир унинг назидда кун секин ўтаётганлек, ишлари ҳам қовушмаётгандек туюлаверди. Кун пешиндан оққанда ичкари уйга кирди-ю, холаси ва Чароснинг кийимлари тахланган шкафни очиб, қизиқиш билан буюмларни бир-бир кўздан кечира бошлади. Шу пайт кўзи тилла тақинчоқларга тушиб, феъли айниди.

"Буларни сотса, анча пул бўлса керак", — бир муддат хаёлга берилди у. Шу тобда унинг бутун ўйини қаршисида жило таратиб турган тилла буюмларга эга бўлиш ҳисси эгаллаб олган, хаёлан буларни олиб кетиш режасини тузишга киришиб кетганди.

Манзура бироз тараддудланиб турди-да, сўнг 2 жуфт тилла сирға, 2 дона аёллар пальтоси, 1 жуфт аёллар этиги, қўл телефони ва 150 минг сўм пулларини (жами 1 млн. 247 минг сўм) олиб, уйни тарк этди.

У йўловчи машинада пойтахтнинг "Ипподром" бозорига етиб боргач, борар манзили йўқлигини ўйлаб, ташвишга тушиб турган паллада бир киракаш кишига рўпара келиб қолди.

— Тошкентга ўқишга кириш учун келгандим, борадиган манзилим йўқ, — деди у хавотир аралаш.

Киракаш амакининг қизга раҳми келди чоғи, синглиси ва хотини билан ижарага яшайдиган ҳовлига бошлади.

Кишининг ҳаловати йўқолса, қийин. Очиғи, Манзуранинг ижара уйда ўтган тўрт кунлик умрига ҳавас қилиб бўлмасди. Кўзини юмди, дегунча турли ўйлар уни сиқувга олар, гоҳ қилган ишидан қўрқувга тушса, гоҳ "Мени ҳеч ким тополмайди", деган ўй билан ўзини хотиржам қиларди. Тўртинчи куни "Мен эртага келаман", деган баҳона билан ўз уйига жўнади. Ўғрилик молларни эса ўша хонадонда қолдирди.

Сир очилмай қолмади, албатта. Қўқондан қайтган Моҳира хола, буюмлари йўқолганини кўргач, ИИБга ариза берди. Кўп ўтмай эса ўғрилик жияни томонидан содир этилганини билди.

Манзура Қобулованинг қилмиши билан боғлиқ жиноят ишини ўрганиб чиққан суд, унга ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтмоқчимизки, бировнинг буюми бошқага асло буюрмайди. Айниқса, у ўғирлик билан қўлга киритилган бўлса. Қолаверса, бу қалтис йўлни танлаганларнинг бир умр юзи қора бўлиши тайин. У кейинроқ қанчалик ҳалол яшашга ҳаракат қилса-да, бошқалар назидда шубҳа остида қолаверади. Манзура эса бу ҳақиқатни жуда кеч англади.

# Тамагирлар

*Агар у ўшанда маҳаллада истиқомат қилувчи икки-уч нафар йигитнинг гапи билан, қолаверса, хизмат вазифасига кўра Сирожиддин (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан гаплашиб кўришга рози бўлмаганида, бугун бунчалар қийналмаган бўлармиди?! Бундан ташқари, ўша йигитлар "Сирожиддин гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шуғулланади, бизни ҳам шунга ўргатди. Унга нисбатан чора кўрилмаса бўлмайди", дейишганидан кейин нима ҳам қилсин!*

Тўғри, у Сирожиддиннинг уйига борди, аммо тополмади. Кейин Сирожиддиннинг ўзи уни қидириб келди. Иккаласи ўтириб, суҳбатлашиб олишди. Ўзи уни огоҳлантириб, бу йўл яхшиликка олиб бормаслигини айтиб, ҳалол меҳнат билан умргузаронлик қилишни маслаҳат берди. Ҳатто Сирожиддин билан хайрлашаётганида уйига етиб олиши учун 1000 сўм пул ҳам берди. Аммо...

Ўша куни кечки пайт навбатчилик қисмидан қўнғироқ қилган навбатчи, Сирожиддинни танийсанми, деб қолди. У танишини айтиб, нима гаплигини сўраган эди, Сирожиддин шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказига бориб, мени туман ИИБ ходими Чори Латипов урди, деб касаллик варақасини очтирибди, деган жавобни олди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Ахир Сирожиддин билан бор-йўғи ўн беш дақиқагина гаплашган бўлса, суҳбат давомида фақат огоҳлантириш билан чекланиб, ҳеч қандай тазйиқ ўтказмай, ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам қилмаган бўлса...

Чори вақтни ўтказмай, туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари билан прокурор ёрдамчисига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди-да, ўзи марказга йўл олди. У манзилга етиб келганида Сирожиддин аллақачон бу ердан чиқиб кетган экан. Дарҳол шифокорни топиб, Сирожиддин ҳақида сўради. Маълум бўлишича, у ҳақиқатан ҳам бу ерга келиб, милиция ходими урганлиги учун ётиб даволаниш учун йўлланма сўраган экан. Шу боис унга туман касалхонасига йўлланма бериб юборишибди.

Ч.Латипов жабрланувчининг баданида бирор жароҳати бормиди, деб сўраган эди, йўқ, деб жавоб беришди. Бу гапдан анча-мунча хотиржам бўлгач, туман касалхонасига боришга қарор қилди. Сирожиддин дарҳақиқат шу ерда экан. Уни топиб, нима учун туҳмат қилганини сўраган эди, Сирожиддин Санжар ака Қорабоев шундай қиласан, дея тайинлаб, ўзига яхши бўлишини айтганини билдирди. Ч.Латипов энди Санжар акани қидира бошлади. У билан учрашгач, нега бундай қилганини сўради.

— Қилғиликни қилиб, энди нимага ундай қиласиз, деб сўрайсиз-а? Ахир ўзингиз Сирожиддинни урибсиз-ку! Шу сабабли уни аввал шаҳар касалхонасига олиб бориб, рўйхатдан ўтказдирдим. Кейин йўлланма билан бу ерга ётқиздим.

— Санжар ака, ахир мен унга бармоғимнинг учини ҳам теккизмаганман. Нега туҳмат қиласизлар? — хуноб бўлганча сўради Чори.

Бироқ, С.Қорабоев анча хотиржам эди. Шу боис босиқлик билан:

— Урганмисиз, йўқми, мен билмайман. Аммо худо кўриб турибди, — дея жавоб берди.



**Абдузоҳид НАЗАРОВ,**
Ангор туман прокурори

Бу гапларни эшитиб, Чорининг сочи тикка бўлаёзди. Шундай бўлса-да, ўзини босишга уриниб, вазиятдан чиқишнинг чорасини ахтарар экан, тўсатдан миясига бир фикр келиб қолди-ю, чеҳраси ёришгандек бўлди. Таваккал қилиб, Санжарни бир четга тортди-да, "келишиш"ни таклиф қилган эди, у шу заҳоти рози бўлиб, Сирожиддин билан гаплашишга кириб кетди. Лекин шу заҳоти қайтиб чиқиб, Сирожиддин ухлаётганлиги боис эртасига яккама-якка гаплашиб олишни таклиф қилди. Санжар шу ондаёқ рози бўлди.

Эртаси куни эрта билан таниш бир одам қўнғироқ қилди-да, С.Қорабоев билан бирга кетаётганлигини айтиб, фалон жойга келишни тайинлади. Чори айтилган жойга келса, телефон қилган одамнинг ўзи кутиб турибди. У сўрашгач, гап бошлади:

— Санжар ака Сирожиддиннинг олдига кетди. Айтишича, бир ярим миллион берсангиз, даъвосидан кечиб, иш яхши томонга ҳал бўлар экан.

— Бўпти, ўзи билан ҳам гаплашиб кўрай-чи...

Кўп ўтмай улар касалхонада учрашишди. Санжар пул ҳақида гап очган эди, Чори бунча пулни топиб беролмаслигини билдирди. Шундан сўнг Санжар Сирожиддиндан сўраб кўрайчи, дея унинг ёнига кириб кетди. Бироздан кейин чиқиб, пулнинг 200 минг сўмидан кечишганини, атиги бир миллион 300 минг сўм берса, иш ҳал бўлишини билдирди. Чори бунча пулни тез топа олмаслигини билдириб, озроқ муддат сўраган эди, Санжар рози бўлиб, бироздан кейин Сирожиддинни касалхонадан олиб чиқиб кетди. Чори бўлса, пул топишни бир четга суриб, тегишли органларга хабар беришга ошиқди...

Бироздан кейин Чорига қўнғироқ қилиб, пулни тезлаштиришни талаб қила бошладилар. Ниҳоят, Чори пулни топганини билдирди ва Санжарнинг ёнига етиб келиб, машинасига ўтирди. Лекин негадир Сирожиддин йўқ эди. Чори шу боис, агар Сирожиддин даъвоим йўқ, деб тилхат ёзиб бермаса, пулни ҳам бермаслигини билдирган эди, Санжар қаёққадир кетди-да, кўп ўтмай Сирожиддинни бошлаб келди.

Буни қарангки, Сирожиддин шу ёшга етибди-ю, ҳалигача ёзишни билмас экан. Унинг ўрнига Санжар даъвоси йўқлиги ҳақида тилхат ёзиб берди. Чори ҳозирча 800 минг сўм топганини, қолганини ҳам тез кунда қилиб беришини айтиб, пулни Санжарнинг қўлига тутқазди. У машинадан энди тушган ҳам эди, атрофини тезкор ходимлар ўраб олишди.

Шундай қилиб, тамагирлик билан ички ишлар ходимидан пул талаб қилган икки товламачининг жиноий қилмиши фош этилди ва суд томонидан уларга тегишли жазо тайинланди.

# Товламачи шериклар

**Комил ТАДЖИКУЛОВ,**
Олмазор туман прокурори
**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Ҳуқуқ»

Улуғбек Муродов муқаддам судланганi туфайли "Электртармоққурилиш" ОАЖнинг гуруҳ раҳбарлигидан озод этилган эди. Ишсиз юриш жонига тегиб, мўмай даромад илинжида турли режалар туза бошлади. Муқаддам судланганидан хулоса чиқаришни эса хаёлига ҳам келтирмади. Тузган режасига асосан Улуғбек дастлаб "Электртармоққурилиш" ОАЖ корхонасида бирга ишлаган ҳамкасби Фарид Ҳошимовга қўнғироқ қилиб, у билан учрашув белгилайди. Ҳамкасблар учрашиб, режани муҳокама қилишади. Фарид режани маъқуллаб, ҳамкасбига шерик бўлишга розилик билдирар экан:

— Ошна, "режа" зўр! Аммо буни эплаш учун бизга ишончли ёрдамчилар керак бўлади, — деди.

— Яхши, ундай бўлса ўзим иккитасини топаман. Битта ёрдамчини сен топасан, келишдикми?..

Бир ҳафта ичида ишончли шериклар топишди. Беш нафар шахсдан иборат бўлган уюшган гуруҳ аъзолари Улуғбекнинг уйида йиғилишиб, режа бўйича вазифаларини тақсимлаб олишди.

2011 йилнинг 24 август куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори Дилшод Жўраев ўзининг мансаб ваколатлари доирасидан четга чиқиб, тахминан соат 24:00ларда юқорида номлари келтирилган Улуғбек Муродов, Фарид Ҳошимов, Одил Умаров ва Баҳром Комиловлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан жиноий тил бириктириб, "18-Автобус саройи"га қарашли ҳайдовчи Толиб Саъдуллаев бошқарувидаги "Назарбек" қўрғони йўналишида ҳаракатланаётган "HUNDAY" русумли автобусни Назарбек-Хасково кўприги остида тўхтатган. Жиноий гуруҳ аъзолари Т.Саъдуллаевга ўзларини ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари деб таништириб, гўё ёқилғи маҳсулотлари талон-торож қилиниши ҳолатлари юзасидан махсус "тадбир" ўтказишаётганини маълум қилишган. Ҳайдовчини автобус саройидан солярка ёқилғисини ўғирлаб сотаётганликда гумон қилинаётгани ва унинг бу ҳаракати учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда қамоққа олиниши билан қўрқитишган.

Улар ҳайдовчини "18-Автобус саройи" ОАЖга олиб келишади. Автобус саройида навбатчи механик Комил Дилмуродов билан учрашиб, унга ҳам ўзларини ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари деб таништиришади. Навбатчи механик гап нимадалигини сўраганида, улар ҳайдовчи Т.Саъдуллаев солярка ёқилғисини ноқонуний равишда автобус саройидан олиб чиққанда қўлга тушганлигини маълум қилишади. Механикнинг "Бундай бўлиши мумкин эмас", деган гапига эътибор ҳам беришмайди.

Улар Т.Саъдуллаевдан 2000 АҚШ доллари талаб қилишади. Ҳайдовчи яқинда ишга кирганлигини, қариндош-уруғлардан қарз олиб, 1000 доллар топиб беришини айтади. Эртаси куни ҳайдовчи қариндош-уруғларидан зўрға 400 доллар қарз йиғиб, уларга топширади. Товламачилар пулни олиб, қолганини эртага тушликкача олиб келиш шарти билан уни қўйиб юборишади.

Воқеалардан хабардор навбатчи механик унга қонунни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишни маслаҳат берди. Т.Саъдуллаев вақтни бой бермасдан туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди.

Учрашув белгиланиб, айтилган пулни топшириш вақтида милиция ходимлари томонидан уюшган жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди. У.Муродов, Ф.Ҳошимов, О.Умаров, Б.Комилов ҳамда Д.Жўраевларнинг жиноий қилмишлари фош этилиб, суд томонидан уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

*Зиёда сумкаларини йиғиштирар экан, бугун қармоққа илинган қизлар ҳақида ўйларди. "Афрўза "Маладес" гўзаллик салони баҳонасида топган қизи ортидан учтаси эргашди. Содда бўлмай ўлларинг. Энди бу гумроҳларни бир бало қилиб, Қозоғистонга олиб ўтишим керак. Тўлан акам ёрдам беради. Номига бўлса ҳам эрим-ку...".*

# Қозоғистон сафари Сармижонда тугади

**Хайрулла ҲАСАНОВ,**
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
**Моҳира ШАКАРОВА,**
журналист

— Онажон, кетманг. Мен катта бўлиб қолдим. Мактабга.., — онасининг оёқларидан қучиб олган болакай уни эркалашини кутган эди.

— Ўчир овозингни. Қиз болага ўхшаб йиғламсирашини-чи! Ҳе, отангга тортмай кет. Йўқол, бу ердан, — қўлларини қаттиқ тортиб, қаҳр билан итариб юборди.

Бола шифоньерга биқиниб, пиқиллаб йиғлай бошлади. Болаликнинг беғубор дамларидаги орзулари армон тўлди. "Мени ҳамма ёмон кўради", дея қоп-қора мунчоқдек кўзлардан дув тўкилган ёшларнинг шўр, таҳирлигини Бахтиёр илк бор ҳис этди. "Нега, менинг онам?..".

* * *

— Хоразмликмисиз?

— Йўқ, Қоракалпоқданман.

— Кўриниб турибди. Исмингиз нима?

— Гулчирой.

— Дугона бўламизми?

— Майли. Бухорода деярли дугоналарим йўқ.

Танишув охири "савдолашувга", айланди. Гулчирой Афрўзанинг таклифи билан Қозоғистонга кетишга, боз устига фоҳишалик билан шуғулланишга рози бўлди. Ўша куннинг ўзида, Фозила билан Диёра ҳам "тўр"га илинишди.

Зиёданинг уйида тўпланган қизлар иш режими билан таништирилди.

— Бугун йўлга чиқамиз. Тошкентгача машинада кетамиз. Хавфсизроқ. Ҳозир одам савдоси, деб бошни қотиришади, — деди ўзига тикилиб турган 4 нафар қизга Зиёда.

— Опа, улар бизни кўп қийнашмайдими, ишқилиб, — негадир оёғи тортмаётганини айтмоқчи бўлиб гап бошлади қизлардан бири.

— Кимдан қарзларинг бор? Мен шу куннинг ўзида тўлайман, мана паспортларинг менинг қўлимда. Ҳар биринг 4000 доллардан "отработка" қилиб берганингдан сўнг, ўйлаб кўрамиз. Бўлди, подъезд олдига "Эпика" келди. Туш ҳамманг...

Йўл-йўлакай кетишларининг оқибати яхшилик билан тугамаслигини англаб етган қизлар нима қилишини билишмасди.

— Мен ҳам қўрқиб кетаяпман, — деди Фозила пичирлагандек. Шу вақт унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Олд ўриндиқда савлат тўкиб ўтирган Зиёда кўзларини сузиб, сохта тавозе билан унинг қўлидаги телефонни юлқиб олди.

— Бирортанг менинг рухсатимсиз бир қадам ҳам қўймайсан. Қозоғистон меҳмонхоналарида "мижоз" нимани хоҳласа, шуни бажарасанлар. Бу хом каллаларинг етиб бормади, шекилли, — қизларнинг надомат чекишаётганлиги унинг ғашига тегди. — Аввалига рози бўлдиларинг... Энди эса, менга ақл ўргатмоқчи бўлаяпсанлар. Орқага йўл йўқ...

* * *

Ғиждувон туман Сармижон пости яқинлашмоқда.

Ички ишлар бошқармаси ходимлари тўхташ ишорасини берганда Зиёда билан Афрўза бепарво ўтиришарди. Аммо одам савдоси қурбонига айланишига бир оз муддат қолган қизлар ногоҳ тилга киришди. Ҳечдан кўра кеч бўлса-да, адашганларини англашди...

# «Асака» банк – тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори ва таянчи

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида банклар ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғини ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш имкониятлари очиб беріляпти. Тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва унинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самараларини бермоқда.

"Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун", деган энг асосий тамойил дастуриламал бўлмоқда.

Филиал томонидан хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилаш борасида ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарор ва фармонларнинг бажарилишини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, банк филиали жами кредит қўйилмалари қолдиғи 16,9 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 69,3 фоизга ўсди. Узоқ муддатли кредитлар салмоғи 84,3 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи жадал шаклланаётган, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар юзага келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг асосий муаммолардан бири, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бошланғич капитални, яъни дастлабки молиявий сармоянинг етарли эмаслигидир. 2011 йил давомида Банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 21 миллиард сўмдан ортиқ миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 563 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ундан ташқари, жорий йилнинг 1-чорагида кичик бизнесни ривожлантиришга жами 5,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

— Хўжайли туманида нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида бизнес режа туздик ва кредит ҳисобига ускуна олиш учун "Асака" банк Қорақалпоғистон филиалига мурожаат этдик, — дейди "Шаффоф Ходжейли" МЧЖ раҳбари Тамара Уразимбетова. — Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, ҳал этиб бердилар. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 8 нафар янги ишчи ўринлари яратилди. Ҳозирда нон цехи туман ахолисига сифатли хизмат қилиб келмоқда. Биз "Асака" банк хизматларидан миннатдормиз ва уларнинг ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

— Ҳурматли Президентимизнинг 2011 йилни ''Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили'' деб эълон қилганлиги, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб берди. Бунга биз ўз фаолиятимиз давомида амин бўлмоқдамиз, — дейди "Нукус Балиқ" МЧЖ раҳбари Нурмухаммед Примбетов. — Бизнинг корхона ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Биз кўп йиллардан буён "Асака" банк Қорақалпоғистон филиали хизматидан фойдаланиб келмоқдамиз. Ўтган йили ўз иш фаолиятимизни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида "Асака" банкдан узоқ муддатли кредит олдик. Бу эса, балиқчилик хўжалигимиздаги ҳовузларни қайта таъмирлашни, корхонага керакли бўлган янги юк ташиш автотранспорт воситаларини сотиб олишга ва янгидан 10 нафар янги иш ўринлари яратишга имконият яратди. Демак, шунча оиланинг даромади янада кўпайишига, турмуш фаровонлигининг ошишида ўз ҳиссамизнинг борлигидан хурсандмиз. Банк ходимларидан мижозларга бўлган самимий муносабатларидан миннатдормиз ва бундан кейин ҳам биз «Асака» банк билан ҳамкорликда эзгу ва хайрли ишларни амалга оширамиз.

«Асака» банк Қорақалпоғистон филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2009 йил 26 январдаги Қарорига асосан жорий йилнинг 1-чораги давомида 977,5 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1050-сонли қарорига асосан ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 1200,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, филиал томонидан 330,2 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Умуман олганда, банк томонидан барча тоифадаги мижозларга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратиш сиёсати муҳим устувор вазифалардан саналади. Қорақалпоғистон филиали жамоаси мазкур соҳани ривожи иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда фаолиятини йўлга қўйган. Истиқболдаги тараққиётни белгилаб олишда масалани шу томонини назардан қочирмаслик жуда муҳимдир.

Филиал ресурс базасини кенгайтириш, жалб этилган пул маблағларини асосан иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва янги технологияларни сотиб олишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга сафарбар қилиш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда аҳолига 73 та турдаги миллий ва хорижий валютада омонатлар таклиф этилмоқда. Аҳоли омонатлари қолдиғи 2012 йил 1 апрелга келиб 11,1 миллиард сўмни ташкил қилди.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминалларини ўрнатишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Филиал томонидан 48381 дона сўм пластик карталари ва 2438 дона халқаро пластик карталар муомалага чиқарилди.

Филиал сўм пластик карточкаларни муомалага чиқаришни бошлагандан буён корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича фаол ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунга келиб банк томонидан жами 267 та корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 25,9 мингдан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Пластик карталар орқали ўтказилган транзакциялар миқдори 7098,8 миллион сўмни ташкил қилди. Бу эса Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи аҳолининг "Асака" банк пластик карточкаларига бўлган ишончини янада ортаётганлигидан далолат бермоқда.

Филиал томонидан фаолият кўрсатаётган мижозларга жами 298 та ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Бундан ташқари, филиал томонидан мижозларга берилган савдо терминалларининг қулайлик тарафларидан бири, бу фаолият жойидан узоқлашмаган ҳолда телефон тармоғи орқали инкассация қилиш, яъни савдо тушумларини банкдаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри тушириш имконини беради. Бу эса, мижозларга вақтдан тежаш имкониятларини яратмоқда.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида филиал томонидан 1 та инфокиоск ва 1 та банкомат ўрнатилди. Инфокиоскларда аҳоли ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб, пластик карточка орқали коммунал хизматлар учун тўловларни, уяли алоқа хизмати ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходимисиз ва ҳеч қандай қоғозбозликларсиз амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари, аҳолига янада хизмат кўрсатиш сифат даражасини оширишда филиалга қарашли бўлган 7 та минибанк, 6 та жамғарма ва махсус кассаларга ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилган. Ушбу минибанклар, жамғарма ва махсус кассалар аҳоли гавжум жойларда жойлашган бўлиб, пластик карточкалар орқали барча турдаги тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

"Асака" банк Қорақалпоғистон филиали "Мустаҳкам оила йили"да мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

**Б.МЎМИНЖОНОВА,**
журналист


ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ Сизларни қуйидаги мол-мулкларни сотиб олиш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан бўлиб ўтадиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади!

**Сотувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа қилинадиган телефонлари:**

220100, Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уй, "Xorazm ko'chmas mulk savdo servis" МЧЖ.

**Телефонлар:** (8 362) 226-88-87, 511-88-88.

Сотиш таклиф қилинаётган мол-мулкларнинг номи, сони, тавсифи ва мол-мулкни жойлашган жой:

Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 31 майдаги 22-0904/7463-сонли ажрими билан тугатишга доир иш юритиш олиб борилаётган, **"Урганч сут"** масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 2012 йил 13 апрелдаги 8-сонли йиғилиши қарорига асосан жамиятга тегишли бўлган бино ва иншоотлари (кўчмас мулклари).

Янгиариқ тумани, "Боёт" кўчаси.

Умумий ер майдони 6137,32 м²;

**Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:**

— Бино ва иншоотлари (кўчмас мулклари)нинг қиймати **106 127 635 (бир юз олти миллион бир юз йигирма етти минг олти юз ўттиз беш)** сўмдан кам бўлмаган миқдорда;

— тўловларни қисқа муддатларда амалга ошириш.

— олди-сотди шартномасини 5 (беш) кун муддат ичида имзолаш.

**Тўғридан-тўғри музокараларни ўтказиш санаси, вақти ва жойи:**

Музокаралар (оммавий оферта) "Xorazm ko'chmas mulk savdo servis" МЧЖ (манзили: Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уй)да 2012 йил 20 апрель куни соат 10:00 дан бошланади.

**Тўғридан-тўғри музокараларни ўтказиш санаси, вақти:** 2012 йил 7 май куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.

**Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиш санаси ва вақти:** 2012 йил 4 май (ўн беш кун давомида ҳар иш куни соат 9:00 дан 18:00 гача) соат 18:00 да.

**Тўғридан-тўғри музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:**

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхадаги ёпиштирилган конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари;

Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, **"Xorazm ko'chmas mulk savdo servis" МЧЖ** ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда рўйхатдан ўтишлари шарт. Ҳисоб рақами **20208000804935791001** АТИБ "Ипотека банк" Тинчлик филиали МФО **00580**, ИНН **302101924**.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Веб сайт. www.uy-joy.uz**

**Лицензия RR-0054**

## «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 7 май куни соат 11:00да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 6 сентябрь кунги 22-1104/5988-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган Янгибозор тумани "Маданият-Янгибозор" МТП кредиторларининг 2012 йил 10 апрелдаги 7-сонли йиғилиш қарорига асосан Янгибозор туман "Чўболончи" қишлоғида жойлашган "Маданият-Янгибозор" МТПнинг қуйидаги кўчмас мулклари тугатиш қийматида қўйилмоқда:

| № | Кўчмас мулк номи | Қурилган йили | Қурилиш ости майдони (м²) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қоровулхона ва бошқарув биноси | 1972 йил | 109,75 | 13 865 416 |
| 2 | Ошхона биноси | 1984 йил | 135,28 | 13 667 511 |
| 3 | Ошхона бостирмаси | 1984 йил | 93 | 2 628 729 |
| 4 | Токарлик цехи | 1972 йил | 274,82 | 12 659 364 |
| 5 | Токарлик цехи бостирмаси | 1972 йил | 23,04 | 294 996 |
| 6 | Нармировщик хона | 1984 йил | 35,15 | 1 816 275 |
| 7 | Омборхона биноси | 1972 йил | 788,32 | 56 136 902 |
| 8 | Бостирма | 1972 йил | 145,53 | 1 946 486 |
| 9 | Ёрдамчи бино | 1972 йил | 88,35 | 4 722 602 |
| 10 | Дўкон биноси | 1990 йил | 25,5 | 4 535 215 |
| 11 | Ҳожатхона биноси | | 3,75 | 346 251 |
| 12 | Ҳовуз | | 16,0 | 612 816 |
| 13 | Асфальт майдон | 1984 йил | 6720 | 22 768 020 |
| 14 | Девор тўсиқ | | 332 метр | 13 407 944 |
| 15 | Дарвозалар | 1984 йил | | 1 234 382 |
| 16 | Ердан фойдаланиш қиймати | | **17381,75** | 43 077 488 |
| | **Жами:** | | | **193 720 397** |

Ушбу мол-мулклар 2012 йил 7 майдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 10,14,17 май кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Xorazm ko'chmas mulk savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 17:00да тўхтатилади. Ҳисоб рақами 20208000804935791001 АТИБ "Ипотека банк" Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302101924.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон: +99862-511-88-88, 226-88-87.** **Лицензия RR-0054**



# Бурчга садоқат

Жамият ва давлат манфаатлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири прокуратура фахрийси Людмила Хегай қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда. У қарийб 40 йилга яқин Бухоро вилоят прокуратура органларида, жумладан, вилоят прокуратурасида котиб, иш ўрганувчи, вилоят прокурорининг таҳлилий масалалар бўйича ёрдамчиси, кадрлар бўйича катта ёрдамчиси, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси, ташкилий назорат ва таҳлилот бўйича ёрдамчиси, Файзулла Хўжаев туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратураси бош мутахассиси, бўлим катта прокурори, Қоровулбозор туман прокурорининг катта ёрдамчиси, Тўқимачилик туман прокурорининг ёрдамчиси, Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Людмила Максимовна қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, ўзининг қатъиятлилиги, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги билан шогирдларига ўрнак бўлди.

Самимийлиги ва хизмат бурчига садоқатлилиги туфайли ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Людмила Хегайнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Людмила Максимовна, қутлуғ 60 баҳорингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, осойишталик ва узоқ умр тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

# Мустаҳкам оила

## унинг ёшлар онгида шаклланишида ахборотнинг ўрни

**Отабек АЗИМОВ,**
«Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши масъул ходими

***Бугун бу хонадон ҳар кунгидан ҳам файзу қувончга тўлган. Бугун бу уйга карнай-сурнай садолари остида оқ либосли "фаришта", ибо-ҳаё, фаҳм-фаросат ва ўзбекона меҳр-муҳаббатни сепига жойлаган келинчак қадам ранжида қилади. У шу уйга "Ўз уйим — ўлан тўшагим, тошдай қотай", деб келади, ўзи кўнгил қўйган инсонни умр йўлдошим, суянган тоғим, деб келади...***

Меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром, масъулият каби мустаҳкам устунлар билан оила аталмиш қўрғон барпо этилди...

Орадан йиллар ўтди. Шириндан-ширин фарзандлар дунёга келди. Ота-она энди икки ҳисса масъулият билан яшашда давом этаяпти. Бу ширин турмушнинг бир жиҳатига ҳамма ҳавас билан қарайди: улар бир-бирини нигоҳлари орқали тушунишни ўрганишганди...

* * *

Бир танишимнинг ажрашишга қарор қилганини эшитиб, ичимдан зил кетдим. "Ўғлинг икки ёшга кираяпти, нега синовлардан ўтолмаяпсизлар? Икки йилдан кейин ажралар экансиз, турмуш қуриб нима қилардинглар?!", — дедим ичимда олов ёнгандек бўлиб. Ота-она, маҳалла-кўйнинг барча саъй-ҳаракати ҳавога учди: ўттизга қараб кетаётган куёв аёлига уч талоқ қўйди.

— Э, барака топгур, хотининг сенга хиёнат қилдими?

— Йўқ!

— Қўли эгримиди?

— Йўқ!

— Бепуштми?

— Йўқ!

— Унда нега жавобини бераяпсан?

— У билан яшай олмайман!..

Майда-чуйда можаро, арзимаган сабаблар билан бир оила дарз кетди...

* * *

Икки хил ҳолат: бирида ширин турмуш мустаҳкамланиб бораётган бўлса, иккинчи оиланинг илдизлари мўртлашмоқда. Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда ёшларнинг никоҳдан ўтиш даражаси юқори. Қувонарлиси, оилаларнинг бузилиш кўрсаткичи бўйича давлатимиз энг паст ўринлардан бирида туради. Бунинг замирида, албатта, оилага катта масъулият деб қараш, унга ота-она ва маҳалланинг бевосита бош-қош бўлиши каби ўзбек халқига хос хусусиятлар ётади.

Лекин, тан олиш керак, бугунги глобаллашув ва ахборотлашув жараёни оила борасидаги тушунчаларни ҳам четлаб ўтмаяпти: айрим ёшларнинг бу муқаддас қўрғонга нисбатан ўй-қараши ва муносабати ўзгармоқда. Бироқ, бу борада айбни фақат глобаллашув жараёнига тўнкаб қўйиш ярамайди. Келинг, ён-атрофимизга холис назар ташлайлик.

"Қуш уясида кўрганини қилади", дейди доно халқимиз. Оила қурса-да, фарзандларига ўрнак бўла олмаётган ота-оналар афсуски, орамизда топилади. Бир-бирини тушунмай қолган эр-хотиннинг муносабати совуқлашади. Оиладаги совуқ муҳит бола дилини музлатади: у атрофга шундай қарай бошлайди, "оила қуриб нима ҳам топардим", деган фикр аста-секин шаклланиб боради. Мана, сабаб қаерда! Бир мутафаккирнинг "Фарзандингизни у билан гаплашаётган ёки бирор нарса ўргатаётгандагина тарбиялаяпман, деб ўйламанг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида тарбиялаб борасиз. Чақалоқ гапирмайди, сўзингизга жавоб бермайди, лекин кузатади...", деган фикри оталарга ғоят муҳим масъулият юклайди.

Кейинги жуда муҳим омиллардан бири — ахборот маҳсулотлари ҳисобланади. Айрим бозор расталаридаги аудио-видео дисклар ва интернет тармоғига жойлаштирилаётган ахборотларнинг аксарияти ёшлар онгига оиланинг ортиқча, бугунги кун талабларига мос келмайдиган институт, деган фикрларни сингдиришга қаратилаётганини, афсуски, инкор этолмаймиз. Тижорат мақсадида ишлаб чиқарилаётган айрим хориж фильмларини олайлик. Одатий ҳол: севиб турмуш қурган эр-хотин характерлари бир-бирига тўғри келмаслигини пеш қилиб, ажрашадилар. Бизда ажрашишга фожиа, деб қаралса, уларда бунинг акси. Ёки, бир болали ёлғиз аёлга бўйдоқ йигит ошиқ бўлади, ўзининг гулдай оиласи бўла туриб, бошқасига кўнгил қўяди-да, буни кўнгил иши сифатида кўрсатиб, "муҳаббат изтироблари"ни бошидан ўтказади.

Шу каби ҳолатларни таҳлил қилар экансиз, уларда ғарбга хос индувидуалликни кузатасиз. Яъни, "Дунёга бир марта келасан, ўзинг учун яша!", "Бугунги кунинг роҳат билан ўтса бўлди, бугунинг билан яша!".

"У шохдан бу шохга сакраб юрадиган" хорижнинг айрим машҳур актёр ва актрисалари, қўшиқчи ва "поп юлдуз"ларининг никоҳ қуришга бўлган юзаки ёндашувлари ҳам ёшлар ўртасида муҳим таъсир воситасига айланмоқда.

Бир қарашда оддий кўринган фильм ёки клип ёхуд машҳурлар ҳаётидан ҳикоя қилинаётган кўрсатувларда узатилаётган ахборотларда ҳам оиланинг мўрт тузилма эканига урғу бериш, биз сезмаган ҳолда амалга оширилаётганини кўриш мумкин. Яқинда Голливуднинг машҳур бир актёри ҳаёти ва ижоди тўғрисида ишланган кўрсатув намойиш этилди. "Буюк ўтмиши"ни фахрланиб ҳикоя қилаётган "қаҳрамон"нинг сўзлари кишида ҳайрат уйғотмасдан қолмайди: эллик ёшни қаршилаган "бўйдоқ" шу кунгача оз эмас, кўп эмас беш марта оила қурган ва энг қизиғи, бу йўлда ҳали-ҳануз ўз бахтини топмаётган, хаёлий жуфтини учратмаётган эмиш...

Ҳа, бугун "Инсонни ахборот бошқаради", деган фикр ўз тасдиғини топаётган шиддаткор замонда яшаяпмиз. Атрофимиз тўла ахборот. Ёшларда мустаҳкам оила туйғусини шаклланишида ушбу ахборотларнинг ўрни катта, албатта. Демак, мустаҳкам оила пойдеворини қуриш йўлида атрофимизда айланаётган ахборот оқимини теран нигоҳ билан кузатишимиз, уни назорат қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз жорий 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилар экан, айни шу хусусида тўхталиб, "...Аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим"лигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Таъкидлаш лозимки, оила ва маҳалла каби халқимизга хос, такрорланмас институтларга доир муносабатларнинг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида акс этиши миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Шу билан бирга, бугунги кун шароитидан келиб чиққан ҳолда, оилага бўлган эътиборни янада кучайтириш, қурилажак оилаларга замин яратиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва шу асосда бутун мамлакатимизда оила барқарорлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришимиз лозим.

Бунда аввало, ёш авлодни оила муқаддаслиги борасидаги туйғулар билан тарбиялаш, уларни оилага салбий, юзаки муносабат уйғотадиган ахборотлардан асраш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борада айрим хориж мамлакатларининг қонунчилигидаги мазкур йўналишдаги нормаларга мурожаат қилсак.

Литва Республикасининг 2002 йил 10 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганларни оммавий ахборотларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида Литва Республикасининг Конституцияси ва Фуқаролик кодексида кўрсатилган оилавий қадриятлар, турмуш қуриш ва оилани барпо этишни топтайдиган ахборот маҳсулотларининг тарқатилишига йўл қўйилмаслиги (4-модда) белгилаб қўйилган.

Худди шу каби нормалар бошқа Ҳамдўстлик давлатларида ҳам мавжуд. Жумладан, Россия Федерациясининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган ва 2012 йил 1 сентябрдан кучга кирадиган "Болаларнинг соғлиғи ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Федерал Қонунининг 5- моддасида, ота-она ва оиланинг бошқа аъзоларига ҳурматсизликни шакллантирувчи ва оилавий қадриятларга қарши чиқувчи ҳар қандай ахборот маҳсулотлари болаларнинг соғлиғи ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлар сифатида кўрсатилиб, бу каби ахборот маҳсулотларини мамлакатда тарқатиш тақиқланди.

Бугунги глобаллашув даврида инсонларнинг кундалик турмуш тарзи бевосита тезкор ахборот алмашинуви билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда ахборот маҳсулотларидан турли ғараз мақсадларда фойдаланишни мақсад қилувчи айрим гуруҳлар ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим. Бугунги воқеликдан келиб чиққан ҳолда, халқимизнинг менталитетига бутунлай ёт бўлган, турли ғаразли, жумладан, оилавий қадриятларни топтайдиган, уни заифлаштириш мақсадларига қаратилган ҳар қандай ахборот маҳсулотлари тарқатилишини чеклаш борасида қонунчилигимизни янада такомиллаштириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорида ота-она, оила ва маҳалла, миллий ғурур билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлоднинг қалби ва онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Қарорда белгиланган ушбу муҳим вазифа ижроси юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлар, жумладан, "Камолот" ЁИҲ томонидан амалга оширилаётган ишларни жорий — "Мустаҳкам оила йили"да янги босқичга кўтариш лозим. Бунда ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсирчанлигини янада кучайтириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилаётган тарғибот тадбирларида оила мустаҳкамлигига салбий таъсир этувчи ахборотларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Шинамгина хонадон. Тонг саҳарда булбулларнинг шўхчан наволарига ҳамоҳанг тарзда жуфти ҳалолингизнинг майин овозлари ила уйғонасиз. Дастурхон атрофида нонушта асносидаги ширин суҳбат бошланажак иш кунига кўтаринки кайфият бағишлайди. Мактабга шошаётган ўғлингизнинг хархашаси ҳам хуш ёқиб кетади: "Ҳа, ширин ташвишлари билан фарзандларимиз камолга етмоқда!".

Бобонинг эрталабки дуосини олиб, ҳар ким ўз ишига, мактаб ёки боғчасига йўл олади. Ҳар қандай таҳдид ва хуружларга қарамай, жаннатмакон юртимизда ёшлар қалбида мустаҳкам оила туйғуси шу тариқа камол топиб бораверади.

**Huquq** yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati: Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. [T] – tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma j-4369. 51 200 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617